2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 233 (1832), 2026 йил 10 ноябрь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

РАҚАМЛАШГАН САНОАТ, ИННОВАЦИОН ЕЧИМ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ ТАРАҚҚИЁТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманига ташриф буюриб, электротехника тармоғида фаолият юритаётган тадбиркор ва инвесторлар билан учрашди. Ҳудуддаги “NURA Electric” электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш заводи фаолияти билан танишди.



Бугун дунё иқтисодиёти жадал ривожланмоқда. Илм-фан ва технология такомиллашуви ҳар бир соҳада янгиликни тез илғаб, замонга мос ишлашни тақозо этяпти. Бу иқтисодиётнинг асосий тармоғи ҳисобланган электротехника саноати учун, айниқса, жуда муҳим. Чунки таҳлилчилар электротехника саноатини бежиз иқтисодиётнинг модернизация қилиниши ва тараққий этишида етакчи тармоқ сифатида баҳоламайди.

Аслида, саноатнинг мазкур тармоғи замонавий иқтисодиётнинг драйверига айланмаслигининг ўзи имконсиз. Айтайлик, ҳозир кўп гапирилаётган “яшил” иқтисодиёт асоси бўлган “яшил” технологиялар — қуёш панеллари, шамол генераторлари ва энергия жамловчи тизимлар айнан шу саноат маҳсулотларидир. Электромобиллар ва уларга хизмат кўрсатувчи тизимлар ҳам тармоқ меваси. Булар бугун замон зайлига айланиб улгурган ҳамда келажакда бундан-да ривожланиши кутилаётган йўналишлар. Демак, электротехника саноати бугун жуда керак ва унга қанчалик эътибор кучайса, келажакка шунчалик ишонч билан қадам қўйилади. Мамлакатимизда кейинги йилларда бу борада ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётир.

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида кейинги ўн йилда тармоққа 2 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 413 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди. Маиший техника, қуёш панеллари, электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишли трансформаторлар каби 100 дан ортиқ турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда юртимизда, айтайлик, телевизорсиз хонадон йўқ. Одамларнинг музлаткич ва кир ювиш машиналаридан фойдаланиш имконияти анча кенгайган. Кондиционерлар эса мавсумийлик чегарасидан чиқиб, доимий талабгир маҳсулотга айланиб бормоқда. Бир қарашда булар оддий маиший техника, рўзғор жиҳозлари. Лекин ўзгаришлар мана шу оддийлик ортидаги ҳақиқатларда намоён бўлади.

Аҳоли ҳаёт тарзини белгиловчи омиллар кўп. Шулардан энг асосийлари — харид қобилияти ортишидир. Аввало, инсон рўзғорига зарур нарсаларни қийналмасдан сотиб олишга қурби етяптими, демак, у яхши турмуш кечирмоқда. Қолаверса, зарур маиший техника ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Бу муҳим масала. Ва яна тармоқ ривожини кўрсатувчи омиллардан.

Замонавий трансформаторлар, подстанциялар ва автоматик бошқарув тизимлари энергия йўқотишларини камайтиради. Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари электр симларига, “ақлли” уйлар “ақлли” жиҳозларга эҳтиёжни оширади.

Соҳадаги янги корхоналар аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий фаровонликни ошириш баробарида иқтисодиёт ривожига катта туртки беради. Демак, рақамлаштириш ва фаровонлик негизи барибир электротехника саноатига бориб тақалаверади.

Президентимизнинг ушбу тармоқ вакиллари билан мулоқоти айни шу жиҳатлари билан аҳамиятли. Яъни мулоқот давомида келтирилган рақамлар, режа ва таклифлар, ташаббуслар аҳоли фаровонлиги ва иқтисодиёт барқарорлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ислоҳотлар натижасида жорий йилда соҳада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 50 триллион сўмга етди. Ваҳоланки, 2016 йилда мазкур кўрсаткич 1,7 триллион сўмни ташкил этарди, холос. Инвестиция 600 миллион долларга, экспорт 1 миллиард 600 миллион долларга етказилди. Ўтган даврда экспорт ҳажми 14 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбари бу кўрсаткичлар мавжуд имкониятларга нисбатан кам эканини, соҳани янада жадал ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Чунки бизда электротехника саноати учун хомашё кўп. Масалан, тармоққа зарур энг асосий хомашё — мис. Уни кўпайтириш мақсадида жорий йилда Олмалиқда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Ушбу лойиҳа ҳисобига мис ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннага, 2030 йилга бориб эса 500 минг тоннага етказилади.

Бугун жойларда катта майдонлардаги қуёш панелли ёки йирик шамол паррақли станцияларга кўзимиз тушяпти. Бу объектлар энергетика тизимидаги ислоҳотлар ва амалий саъй-ҳаракатлар маҳсулидир. Келгуси ўн йилда 450 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилади. Бу электротехника маҳсулотлари учун ҳам улкан ва узоқ муддатли бозор пайдо бўляпти дегани. Чунки бундай замонавий станциялар мазкур тармоқ маҳсулотларига таянади.

Йиғилишда ушбу масалага ҳам эътибор берилиб, мамлакатимизда мис ва муҳим минераллар захиралари, салоҳиятли ёшлар, тажрибали тадбиркорлар ҳамда ҳамкорликка тайёр инвесторлар борлиги айтилди. Шу боис, энди ушбу имкониятларни янги технология ва ишланмалар билан бирлаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентимиз электротехника саноатидаги навбатдаги вазифа ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш билангина чекланмай, катта технологик сакрашни амалга ошириш эканини таъкидлади. Масалан, 2030 йилгача энергия сақлаш қувватларини 4,5 гигаваттга етказиш режалаштирилган. Хорижлик ҳамкорлар бу лойиҳаларда маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланишга тайёр. Аммо улар учун зарур айрим ускуналар ҳали мамлакатимизда ишлаб чиқарилмаяпти.

Шунингдек, савдо мажмуалари, корхоналар, уй-жойлар ва кўчаларда видеокузатув ускуналарига талаб ортиб бормоқда. Уларнинг ички бозордаги йиллик эҳтиёжи 200 миллион долларга етади, қўшни мамлакатлар бозорини ҳисобга олганда эса 600 миллион доллардан ошади. Бухородаги “Digital security” ва Самарқанддаги “Samvision” корхоналари ўз дастурий таъминоти асосида йилига 2 мингта камера ишлаб чиқармоқда. Шу боис, бундай лойиҳаларни кўпайтириш зарур.

Ички бозорда банкоматларга талаб катта. Ўтган йили мамлакатимизда 9 мингта банкомат сотиб олиниб, 50 миллион доллардан ортиқ маҳсулот импорт қилинган. Қурилаётган янги савдо ва кўнгилочар мажмуалар, уй-жой массивлари мазкур эҳтиёжни янада оширади. Шу сабабли мутасаддилар зиммасига банкоматларга талабни ҳисоб-китоб қилиш, технология ва инвесторларни жалб этиб, уларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

Шу каби имкониятлар Тошкент вилоятида энергия батареялари ва электроника учун юпқа мис фольгаси, Жиззахда электромобиллар учун инверторлар ва зарядлаш қурилмалари, Наманганда сув насослари учун энергия тежамкор электр двигателлар, Қорақалпоғистонда серверлар учун узлуксиз электр таъминоти ва совитиш тизимлари ишлаб чиқариш йўналишларида ҳам мавжуд.

Йиғилишда Андижонда офис техникаси ва тайёр кабель тўпламлари, Тошкент шаҳрида серверлар, интерактив панеллар ва сенсорли датчиклар, Қашқадарёда телевизорлар учун электрон платалар каби юқори қўшилган қийматли электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни йўлга қўйиш вазифаси белгиланди.

Давлатимиз раҳбари ички бозор талабини қоплаш билан бирга бундай маҳсулотлар ҳисобига экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш имконияти борлигини қайд этди.

Президентимиз учрашувда иштирок этаётган 10 дан ортиқ хорижлик инвестор ва 100 дан зиёд маҳаллий тадбиркорни юқори қўшилган қийматли янги лойиҳалар билан фаол иштирок этишга чақирди.

Мамлакатимизда юқори технологияли саноатни ривожлантириш учун зарур пойдевор шаклланмоқда. Тўқимачилик, металлни қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа соҳалар учун технологик ускуналар чиқарадиган ўнлаб корхона пайдо бўлди. Оҳангарон технопаркида микропроцессор модуллари ишлаб чиқарилмоқда, Тошкент шаҳрида Жанубий кореялик ҳамкорлар билан роботлар ишлаб чиқариш лойиҳаси бошланган.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОРОЛНИ ҚУТҚАРИШ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИГА РАИСЛИГИ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислиги даврида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) 1993 йилда Марказий Осиё давлатлари томонидан ташкил этилган. Ўтган йилларда минтақа давлатлари ўртасида йўлга қўйилган ўзаро самарали ҳамкорлик ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг кўмаги туфайли жамғарма Орол денгизи ҳавзаси сув ресурсларини келишилган ҳолда бошқаришни таъминлашга эришди.

Марказий Осиёда сув тақчиллигининг кучайишига олиб келаётган иқлим ўзгаришлари ва сув истеъмоли кўпайиб бораётган бугунги шароитда жамғарманинг роли ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Ўзбекистон 2027-2029 йилларда Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислик қилади.

Тақдимотда ушбу давр мобайнида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва эътибор марказида бўладиган масалалар кўриб чиқилди.

Сув ресурслари, экология ва ижтимоий-иқтисодий йўналишларни қамраб олган 133 та лойиҳа ишлаб чиқилгани таъкидланди. Хусусан, ушбу лойиҳалар доирасида сув хўжалиги иншоотларини модернизация ва реконструкция қилиш, сув ресурсларини тақсимлаш, ҳисобга олиш ҳамда мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, гидрометеорологик маълумотлар мониторинги, тошқинлар ва қурғоқчилик бўйича прогнозлаш ҳамда эрта огоҳлантиришнинг минтақавий рақамли платформасини яратиш, аҳолининг ичимлик сув ва санитария хизматлари билан таъминланганлик даражасини ошириш каби кўплаб чора-тадбирлар илгари сурилади.

Мазкур лойиҳаларнинг қиймати 3,3 миллиард долларни ташкил этади. Улар Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Яшил иқлим жамғармаси, Глобал экологик жамғарма ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар кўмагида молиялаштирилади.

Президентимиз ушбу лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаб, келгуси йилда бажариладиган ишларга доир ойлар кесимида “йўл харитаси”ни тасдиқлаш ва ижросини ташкил этишни топширди. Лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга халқаро экспертлар, профессор-олимлар ва хориждаги ватандошларимизни ҳам жалб этиш лозимлиги қўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда Ўзбекистоннинг ОҚХЖга раислиги давридаги устувор масалалар ҳам муҳокама қилинди. Жамғарма тузилмаси ва шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни давом эттириш, унинг органлари ваколатларини аниқ тақсимлашни таъминлаш, Афғонистон билан конструктив ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият берилади. Жамғарма кун тартибини Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари қарорлари билан уйғунлаштириш ва бошқа кўплаб масалалар эътибор марказида бўлади.

Шунингдек, жамғарма фаолиятини илмий-таҳлилий қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Бунда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети унинг ташаббусларини амалга оширишда илмий-таҳлилий платформа бўлади.

Шу мақсадда университет фаолияти трансформация қилинади. Таълим ва тадқиқот жараёнига сунъий интеллект технологияларини жорий қилиш ишлари жадаллашади, экологик тикланиш ва сув тежамкорлиги бўйича тадқиқотлар кенгайтирилади, замон талабларидан келиб чиқиб илғор кадрларни тайёрлашга ёндашув кучайтирилади.

Хусусан, Амударё ва Сирдарё ҳавзалари бўйича маълумотларнинг ягона базаси яратилади, чўлланишга қарши минтақа олимлари билан қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилиб, инвестиция ва грант маблағлари жалб қилинади, Марказий Осиё ва Афғонистон учун сув хўжалиги бўйича бакалавриат ва магистратура дастурлари ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга Ўзбекистоннинг Оролни қутқариш халқаро жамғармасига раислиги даврида режалаштирилган чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш, бунда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан қўшни давлатлар билан алоқаларни янада фаоллаштириш, вилоят ҳокимларининг иштирокини таъминлаш, қўшма таълим ва тадқиқотлар орқали минтақада сув дипломатиясини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан қатор топшириқлар берди.

ЎзА

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ТУРКИЯДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирларида иштирок этиш учун 10-11 ноябрь кунлари Анталия шаҳрида бўлади.

Иқлим бўйича глобал саммитда давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари раҳбарлари ҳамда юқори даражадаги делегациялар иштирок этади.

Анжуман кун тартибидан БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенциясининг асосий қоидаларини рўёбга чиқариш, замонавий экологик хатар ва таҳдидларга қарши курашиш ҳамда “яшил” тараққиёт мақсад ва вазифаларини илгари суриш борасида кенг кўламли халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Давлатимиз раҳбари саммитнинг ялпи сессиясида нутқ сўзлайди ҳамда қатор икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон БМТнинг Ҳадли конвенциясига 1993 йилда қўшилган. 2018 йилда мамлакатимиз Париж битимининг иштирокчисига айланди.

ЎзА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ ХИТОЙ ЖАМОАТЧИЛИГИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ХИТОЙНИНГ ЕТАКЧИ ЭКСПЕРТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕКИНДА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБИ ҲАҚИДА



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Пекинда хитой тилида нашр этилган “Ўзбекистон барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида” китоби хитойлик экспертлар, илмий-академик ҳамжамият ва ишбилармон доиралар вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Давоми 2-бетда

Транспорт ва электромобиллар учун электротехника маҳсулотлари бўйича 650 миллион долларлик 9 та, электрон компонентлар ва микроэлектроника бўйича 3,5 миллиард долларлик 21 та, маиший техника соҳасида 600 миллион долларлик 19 та лойиҳа назарда тутилган.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 10 ноябрь, 233-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

РАҚАМЛАШГАН САНОАТ, ИННОВАЦИОН ЕЧИМ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҒИ ТАРАҚҚИЁТИ

Бошланиши 1-бетда

Бундай корхоналарни кўпайтириш орқали иқтисодиёт тармоқларини замонавий ускуналар, саноат роботлари ва электроника маҳсулотлари билан таъминлайдиган яхлит экотизимни шакллантириш мақсад қилинган.

Шу боис, Нурафшон шаҳрида Келажак технологиялари маркази ташкил этилади. Марказ корхоналарига АТ парк резидентлари билан бир хил имтиёзлар берилади. Роботлар, электроника ва технологик ускуналар ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ҳамда бутловчи қисмлар импорт божидан озод этилади. Ушбу йўналишдаги илмий ишланмалардан олинган даромадга солиқ солинмайди. Илмий тадқиқотлар ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш учун келажак технологиялари бўйича тадқиқотчиларни саноат корхоналари билан боғлайдиган “Янги саноат” миллий платформаси ишлаб чиқилади.

Келгуси йил май ойига қадар ҳар бир ҳудудда биттадан тадқиқот ва ишланмалар (R&D) маркази ёки технопаркни янги саноат йўналишларига мослаштириб, маҳсулотларни синовдан ўтказиш майдончасини ташкил этиш вазифаси белгиланди. Улар йирик корхоналар ва кичик тадбиркорлар ўртасидаги кооперацияни мустаҳкамлайди.

Мутасаддиларга робототехника соҳасини ривожлантириш бўйича қарор лойиҳаси ҳамда ускунасозлик ва электроника тармоқларини қўллаб-қувватлашнинг комплекс дастурини тайёрлаш топширилди. Кейинги уч йилда электротехника ва унга боғлиқ янги саноат йўналишларида умумий қиймати 11 миллиард 600 миллион долларлик 164 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Тармоқ олтита асосий йўналишда ривожлантирилади. Жумладан, кабель саноатида 2,5 миллиард долларлик 41 та, трансформаторлар ва насослар ишлаб чиқаришда 1,4 миллиард долларлик 29 та, саноат робототехникаси ва ускунасозликда 3 миллиард долларлик 45 та лойиҳа бажарилади.

Транспорт ва электромобиллар учун электротехника маҳсулотлари бўйича 650 миллион долларлик 9 та, электрон компонентлар ва микроэлектроника бўйича 3,5 миллиард долларлик 21 та, маиший техника соҳасида 600 миллион долларлик 19 та лойиҳа назарда тутилган.

Ҳар бир йўналишга масъул раҳбарлар ва асосий буюртмачилар бириктирилади. Уларга таянч инвесторларни жалб қилиш, илмий марказлар ва техника олийгоҳлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш топширилди.

Саноат — табиатига кўра илм-фанга асосланган соҳа. Лекин қайси соҳани олмайлик, илм-фан бўлмаса, ривожланиш ва ютуқларга эришиш қийин. Шунинг учун ҳар бир соҳа асосида илм-фан туриши керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, мутахассисларни, айниқса, талабаларни замонавий билимлар асосида ўқитиш зарур.

Билимли мутахассис ўрни ишлаб чиқаришда тез кўзга ташланади. Шу боис, ҳозир техника олийгоҳларининг 20 нафар талаба ва тадқиқотчиси Жанубий



Кореянинг етакчи электроника корхоналарида таълим олаётгани ҳамда уларнинг сони 100 нафарга етказилиши диққатга сазовордир.

Президентимиз йиғилишда бу борада яна бир муҳим ташаббусни илгари сурди. Яъни республикамизда келгуси йилдан “1 минг муҳандис-конструктор” дастури бошланади. Дастур доирасида маҳаллий мутахассислар Жанубий Корея, Япония, Хитой, Туркия ва Европа мамлакатларига малака оширишга юборилади.

Нуфузли хорижий компанияларда ишлаётган юқори малакали ватандошларимизни юртимизга жалб қилиш учун уларга муносиб иш ҳақи ва меҳнат шароитлари яратилади.

Бир неча олийгоҳга етакчи хорижий университетлар билан қўшма таълим дастурлари очиш мамлакатимиз саноатининг технологик тараққиётига хизмат қилувчи юқори малакали муҳандислар корпуси шакллантирилади.

Бугун маҳаллий электротехника корхоналаримиз халқаро молия институтлари билан тўғридан тўғри ишлай бошлагани эътиборга молик. Тошкент шаҳридаги “Artikul Aziya” ва “Maxcopper”, Тошкент вилоятидаги “Techno Cable Group” ва “Vades Group”, Андижондаги “Andijon kabel” корхоналари ўз лойиҳаларига Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан 80 миллион доллар жалб қилди.

Мазкур тажрибани оммалаштириш, бошқа ишлаб чиқарувчиларни ҳам халқаро молия бозори билан ишлашга тайёрлаш зарурлиги қайд этилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки саноат корхоналари учун 2-3 миллиард доллар ресурс ажратишга, фаолиятини баҳолаш харажатларининг бир қисмини қоплашга тайёр.

Қолган харажатлар ва халқаро консультантларни жалб этиш билан боғлиқ сарфлар давлат томонидан қопланади. Бу мақсадда Савдони ривожлантириш компанияси ҳисобидан ҳар бир корхонага 50 минг долларгача компенсация ажратилади. Давлат харидлари доирасида мамлакатимизда ҳар йили 10 триллион сўмлик электротехника маҳсулотлари сотиб олинади. Илгари тадбиркорлар давлат корхоналари буюртмаларини тўрт-бешта алоҳида платформа орқали кузатишга мажбур бўлган бўлса, ҳозир барча давлат буюртмалари битта платформада акс эттириладиган тизим жорий қилинган.

2027 йилдан давлат харидлари бўйича уч йиллик режаларни олдиндан эълон қилиш бошланади. Бу тадбиркорларга талабни олдиндан билиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги ускуналар харид қилиш ва инвесторлар жалб этиш имконини беради.

Давлат харидларида фақат энг арзон нархга қараб маҳсулот танлаш амалиёти қайта кўриб чиқилади. Чунки арзон импорт маҳсулотнинг кейинги эксплуатация харажатлари анча юқори бўлиши мумкин. Шу сабаб давлат харидларида маҳсулотнинг бутун хизмат муддати давомидаги харажатларни баҳолаш тизими — “life cost” ёндашуви жорий этилади. Бунда харид нархи билан бирга электр сарфи, таъмирлаш, сервис ва фойдаланиш харажатлари ҳам ҳисобга олинади.

Президентимиз ишлаб чиқариш тажрибаси, барқарор айланмаси ва молиявий имконияти бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидлади. Жумладан, банкларда корхоналарнинг молиявий ҳолатини баҳолаш асосида кафолат беришнинг соддалаштирилган тартиби ишлаб чиқилади. Маҳаллий электротехника маҳсулотларига ички бозорда талабни рағбатлантирувчи янги механизмлар жорий этилади.

Ҳозир энергетика соҳасидаги хусусий шериклик лойиҳаларида маҳаллий маҳсулотлар улуши камида 25 фоиз, кабель маҳсулотлари бўйича эса 70 фоиз бўлиши талаби мавжуд. Эндиликда алоҳида солиқ ва бошқа имтиёзлардан фойдаланётган ёки давлатдан арзон ресурс олган, қиймати 10 миллион доллардан юқори инвестиция лойиҳаларига ҳам ушбу талаблар татбиқ этилади. Маҳаллий маиший техника савдосини рағбатлантириш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида янги молиявий механизм йўлга қўйилади.

Банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган музлаткич, кир ювиш машинаси, кондиционер ва бошқа маиший техника хариди учун йиллик 18 фоиз ставкада истеъмол кредитлари ажратиш режалаштирилмоқда. Бу, бир томондан, оилаларнинг замонавий маиший техника харид қилиш имкониятларини кенгайтирса, иккинчи томондан, маҳаллий корхоналар маҳсулотлари сотувини оширади.

Президентимиз ташриф асносида Юқори Чирчиқ туманидаги “NURA Electric” заводи ишлаб чиқариш жараёнлари ва тайёр маҳсулотлар кўргазмаси билан ҳам танишди.

“NURA Electric” — электротехника саноатидаги илғор ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Бу ерда юқори ва паст кучланишли электротехника ускуналари тўлиқ технологик цикл асосида ишлаб чиқарилади. Заводга 50 миллион доллар инвестиция киритилган. Натижада мингдан ортиқ кишининг бандлиги таъминланиб, 1,5 мингдан зиёд турдаги маҳсулот тайёрланади.

Завод Япония ва Туркиянинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган. Жараёнлар оптималлаштирилиши ҳамда маҳаллийлаштириш ҳисобига маҳсулот таннархи 10 фоизгача пасайтирилган. Маҳсулотлар халқаро ISO стандартлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилади. Корхона ускуналарни тўлиқ бутлаш, маҳсулотларни ўз лабораториясида синовдан ўтказиш ва кеча-кундуз сервис хизмати кўрсатиш имкониятларига эга.

Малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш мақсадида “Ўзэнергоинжиниринг” акциядорлик жамияти ва Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар йили университетнинг 100 дан ортиқ талабаси корхонада ҳақ тўланадиган ишлаб чиқариш амалиётини ўтайди.

Давлатимиз раҳбари заводда маҳаллий хомашё ва замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган трансформатор станциялари, тақсимлаш қурилмалари ҳамда бошқа энергетика ускуналари кўргазмасини кўздан кечирди.

Президентимиз корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлар сифатини юқори баҳолади. Ички бозор талабини қондириш билан бирга Марказий Осиё ва бошқа хорижий бозорларга экспортни кенгайтириш, соҳага юқори малакали маҳаллий мутахассисларни жалб этиш юзасидан тавсиялар берди.

— Биз фақат маҳсулот эмас, инжинирнинг хизматларини ҳам экспорт қилишимиз керак. Бунинг учун ўзимизда шаклланаётган лойиҳалаштириш ва синов лабораториялари имкониятларидан кенг фойдаланишимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Эҳтиёт ва бутловчи қисмлар турини кўпайтириш, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда сервис хизматлари кўламини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди.

Энергетика соҳасидаги лойиҳаларда маҳаллийлаштириш даражасини ошириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, лойиҳаларни ишлаб чиқишда маҳаллий лойиҳа институтлари улушини камида 50 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

— Ўзимизнинг лойиҳачиларимизга ишонишимиз, уларга шароит яратишимиз керак. Хорижда ўқиган, тажриба орттирган ёшларимиз бор. Уларнинг атрофида мутахассисларни бирлаштириб, буюртма билан таъминласак, бу соҳани ривожлантиришга қодирмиз, — деди Президентимиз.

Шу мақсадда ҳудудларда энергетика соҳасига ихтисослашган лойиҳа институтлари филиаллари ташкил этилиши белгиланди.

Президентимизнинг Юқори Чирчиқ туманидаги электротехника саноатидаги йирик ишлаб чиқариш корхонасига ташрифи ва шу тармоқ вакиллари билан мулоқоти соҳадаги ишларни янги, янада ривожланиш ва такомиллашиш босқичига олиб чиқади. Ташриф асносида кўтарилган масалалар, кўзда тутилаётган лойиҳалар, амалий ҳаракатлар шундан далолат беради.

Ушбу таклиф ва ташаббусларнинг ҳар бири замон руҳига мослиги, янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар шиддатига муносиблиги билан қалбимизни фахрга тўлдиради. Англайсизки, адолатли тизим яратилган, истеъдодларга кенг йўл очилган мамлакатда тарихий ҳақиқатлар қарор топади. Шу замоннинг фарҳодларини майдонга олиб чиқади. Аждодларимизга хос яратувчанлик руҳи кучайиб бораётганининг сири ҳам шунда. Аждодлар билан руҳий боғланиш эса ишларнинг энг хайрлисидир. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг “Навоий башорати” тўртлиги ёдга тушади:

Интернет замони хўп мўъжизакор,
Айтай Шарқ даҳосин буюк сеҳридан:
Фарҳод ўз Ширинин кўргандир илк бор
Ҳазрат Навоийнинг компьютеридан.

Зеро, ушбу тўртлик рақамли замоннинг шиддаткор тараққиётига қиёс бераётгандек, халқимизнинг илмий тафаккури қанчалик юксак бўлганига ишора қилаётгандек.

Бундай бой илмий салоҳият меросхўрлари — давримизнинг рақамли тараққиёт қаҳрамонлари яратиб берилаётган янги имкониятлардан илҳомланиб янада баланд марраларни забт этажак.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОҲОТЛАРИ ХИТОЙ ЖАМОАТЧИЛИГИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ХИТОЙНИНГ ЕТАКЧИ ЭКСПЕРТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ПЕКИНДА ЧОП ЭТИЛГАН КИТОБИ ҲАҚИДА

Бошланиши 1-бетда

Пяо ЯНФАНЬ,
ШҲТ бош котиби ўринбосари:



— ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари асарлари нашр этилиши ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, цивилизациялар хилма-хиллигига ҳурмат ва биргаликда ривожланишга интилишга асосланган “Шанхай руҳи”га тўла мос келади. Ҳамкорларнинг бошқарув соҳасидаги тажрибасини ўрганиш уларнинг модернизация сари мустақил йўлларини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойда чоп этилган китобида Ўзбекистонда аҳоли фаровонлигини ошириш ва инвестициявий жозибадорликни юксалтиришга қаратилган ислоҳотларнинг амалий натижалари кенг ёритилган.

Эътиборлиси, китобнинг алоҳида боби Ўзбекистоннинг ШҲТ билан ҳамкорлигига бағишланган бўлиб, Президент томонидан ташкилот доирасида илгари сурилган ташаббуслар сиёсий ҳамкорлик, хавфсизлик, иқтисодий ўзаро боғлиқлик ва маданий-гуманитар алмашинувларни мустаҳкамлашга қаратилган.

Ван БО,
“CAMCE” (China CAMC Engineering Co.) компанияси раиси:



— Президент Шавкат Мирзиёевнинг китоби Ўзбекистон билан узоқ муддатли ҳамкорликдан манфаатдор бўлган Хитой ишбилармонлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда мамлакатдаги кенг кўламли ислоҳотлар ишбилармонлик муҳити жозибадорлигини сезиларли даражада ошириб, хорижий инвесторлар учун қулай шароитлар яратмоқда.

Хусусан, компаниямиз Президент Шавкат Мирзиёев томонидан юксак баҳоланган Олимпия шаҳарчаси қурилиши ҳамда Тошкент ва Андижонда чиқиндиларни қайта ишлаш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича иккита йирик лойиҳага инвестиция киритган.

Мазкур лойиҳаларни Хитой бизнесининг Президент Шавкат Мирзиёевнинг “яшил” энергетикани ривожлантириш ва иқтисодиётни экологик трансформация қилишга қаратилган сиёсатига қўшган амалий ҳиссаси сифатида қараш мумкин.

Мамлакатда кечаётган ўзгаришларнинг туб моҳияти ва стратегик устувор йўналишларини янада чуқурроқ англаш мақсадида компаниямизнинг Ўзбекистонда ишлаётган ходимларини ушбу китоб билан яқиндан таништириш режалаштирилган.

Сунь ВЭЙДУН,
“Марказий Осиё – Хитой” формати котибияти бош котиби:



— Янги нашрни Хитой китобхонлари учун Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини англашда муҳим манба деб биламиз. Шу билан бирга, мазкур асар янги Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўли ҳамда унинг ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини англашда муҳим аҳамиятга эга.

Китобда минтақавий ҳамкорлик, хусусан, “Марказий Осиё — Хитой” формати доирасидаги алоқаларни ривожлантириш масалаларига катта эътибор қаратилганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Давлат раҳбарининг ушбу китоби Хитой экспертлар ҳамжамияти учун муҳим қўлланма бўлишига ишончим комил. Ўзбекистон халқига барқарор тараққиёт ва фаровонлик ҳамда янада юксак марраларни забт этишини тилайман.



Фу СЯОЦЯН,
Хитой замонавий халқаро муносабатлар академияси директори:

— Президент китобида янги Ўзбекистон ислоҳотларининг стратегик концепцияси тизимли баён этилган. У миллий тараққиёт, ижтимоий ва ташқи сиёсат ўртасидаги ўзаро боғлиқликни яққол кўрсатиб беради. Сўнгги ўн йил давомида республика иқтисодиётни эркинлаштириш, дунёга очиқлик ва ҳаёт сифатини яхшилаш омилларини изчил уйғунлаштириб келмоқда.

Барқарор ривожланиш миллий хусусиятлар ва аҳоли манфаатларига таянишни талаб қилади. Тақдим этилган асарни Си Цзинпиннинг давлат бошқарувига бағишланган асарлари билан таққослаганда, ҳар бир мамлакатнинг ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаш ҳуқуқини ҳурмат қилган ҳолда инсон қадрини улуғлашга қаратилган ёндашувларнинг муштараклигини кўриш мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” тамойилини тўла қўллаб-қувватлайман.



Сунь ЛИЦЗЕ,
ХХРнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси:

— Китобнинг хитой тилида нашр этилиши маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш ва давлат бошқаруви соҳасида тажриба алмашиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Хитой жамоатчилигининг янги Ўзбекистон ислоҳотлари билан яқиндан танишиши Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги ўзгаришлар кўлами ва моҳиятини теранроқ тушунишга хизмат қилади.

“Дунё” АА
Пекин шаҳри

Форум

ЗАМОНАВИЙ МЕДИАМАКОНДА АХБОРОТ ИСТЕЪМОЛИ ЎРНИ

Жорий йил 9-10 ноябрь кунлари пойтахтимизда III Ўзбекистон — Россия медиафоруми ўтказилмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги “Hilton Tashkent City” меҳмонхонасида медиафорум ўз ишини бошлади. Очилиш маросимида икки мамлакат Президентлари Администрацияларининг юқори мартабали вакиллари, етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар, экспертлар қатнашди. Маросимда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путиннинг ўзаро ишонч ва дўстликка асосланган мунтазам мулоқоти мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, жумладан, медиа ва коммуникациялар соҳасидаги алоқалар ривожига кучли суръат бағишлаётганини таъкидлади.

Медиафорумнинг асосий муҳокамалари 4 та сессия доирасида бўлиб ўтиши белгиланган. Булар туризм, спорт ва гуманитар алмашинувларни ривожлантиришда медианинг ўрни, рақамли даврда медиа келажаги, ахборот истеъмолининг янги усуллари ва манбалари ҳамда медиада анъанавий қадриятлар уйғунлиги каби мавзуларни қамраб олади.

Анжуман доирасида замонавий журналистика тенденциялари ва оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни каби масалалар юзасидан фикр алмашилмоқда.

Кун тартибига “Кибермаконда ахборот хавфсизлиги ва болаларни ҳимоя қилиш” мавзусидаги семинар ҳамда медиатаълим масалаларига бағишланган шўъба йиғилиши киритилган.

Форум давомида амалий тажриба алмашиш ва янги ташаббусларни илгари суришга эътибор қаратилади. Экспертлар фейк хабарлар ва сунъий интеллект ёрдамида яратилган контентни аниқлаш, ижтимоий тармоқларда катта маълумотлар (Big Data) билан ишлаш ҳамда замонавий ҳужжатли сторителлинг бўйича маҳорат дарсларини ўтказади.

Медиафорум 10 ноябрь куни ҳам ўз ишини давом эттиради.

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

СПОРТДА МУКАММАЛЛИК: ТИЗИМ, ИНТИЗОМ ВА НАТИЖА



Адҳам ИКРАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси спорт вазири

Спортда юксак марраларга эришиш узоқ йиллик меҳнат, пухта режалаштириш, мустаҳкам интизом, илмий ёндашув ва самарали бошқарувнинг узвий бирлиги натижасидир. Ҳар қандай бошқарувда тизим ва интизомсиз ҳеч қандай мақсадга эришиб бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, спорт нафақат мусобақалар мажмуи, балки соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, интизом ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, шунингдек, мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилувчи муҳим ижтимоий кучдир.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий ва профессионал спортга кенг жалб этиш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш ва улар учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, спорт мактабларида машғулотлар жараёнини янада кучайтириш, разряд ва унвонли спортчилар салмоғини ҳамда тренерлар малакасини ошириш, спорт инфратузилмасини яхшилаш, соҳани рақамлаштириш билан боғлиқ масалалар тизимли ҳал этилмоқда.

Хусусан, сўнгги беш йилда Президентимизнинг спорт соҳасига оид 130 дан ортиқ фармон ва қарори ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, соҳани ривожлантириш бўйича бир нечта йўналишда тегишли ишлар бажарилмоқда. Оммавий спортни ривожлантириш, спорт таълими тизимини такомиллаштириш, спорт инфратузилмасини, олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш ҳамда спорт соҳасини рақамлаштириш бўйича қатор тадбирлар ташкил этилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2025 йил 25 июлдаги “Давлат органлари ва ташкилотларда ижро интизомини янада мустаҳкамлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори барча давлат органлари ва ташкилотларнинг иш самарадорлигини таъминлаш, шу тариқа қатъий интизом ўрнатишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ҳужжатлар топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш ва таҳлил қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш, мамлакатимиздаги тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган вазифаларни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.

Бугун вазирлигимиз тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. Хусусан, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш мақсадида “Ijro.gov.uz” электрон тизимидаги топшириқларни амалга ошириш механизмларини муҳокама этиш юзасидан ҳар ҳафта муҳокамалар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, ижро интизоми масаласини ҳар ҳафта жума куни — вазир ўринбосарлари ҳузурида, душанба куни — вазир ҳузурида тизимли равишда муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилган.

Ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва 2026 йилдаги устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича топшириқлар тасдиқланган календарь графиклар асосида кунбай таҳлил қилинмоқда. Бунда йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг сабаблари аниқланиб, бартараф этиш чоралари белгиланмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатларидан асосий мақсад давлат бошқарувини тартибга солиш, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сўзсиз ва ўз муддатида ижросини таъминлашга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Қонунчилик ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилмаслиги тараққиётимизга, халқимизнинг эртанги кунга ишончига путур етказишини барчамиз яхши биламиз, албатта. Шундай экан, ижро интизомини таъминлаш бугун барча вазирлик, идоралар ҳамда ҳокимликлар учун ғоят муҳим мақсад ва вазифадир.

Аввало, давлатимиз раҳбари имзолаётган фармонлар, қабул қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакат тараққиёти, халқ манфаати ва фуқаролар фаровонлигини таъминлашга қаратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.





Президентимиз ташаббуси билан сўнгги йилларда спорт йўналишида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти, Администрация раҳбари ва ҳукумат томонидан белгиланган вазифалар ижроси бўйича назоратни кучайтириш, масъулият ва жавобгарлик ҳиссини ошириш, айниқса, раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, вазирлик марказий аппаратида топшириқларни бажариш бўйича KPI тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда ходимлар ўзига юклатилган вазифаларнинг натижадорлиги асосида рағбатлантириб борилади. Ҳозир ушбу тизимни янада такомиллаштириб, ҳудудий тузилмалар ва тизим ташкилотларига жорий қилиш бўйича ташкилий ишлар бажарилмоқда.

Сўнгги йилларда давлат ва жамият бошқарувидаги самарали ислоҳотлар, замонавий бошқарув услубларининг кенг кўламда татбиқ этилиши, назорат ва ижрони юритиш шакллари такомиллашгани каби қатор ишлар ҳамда давлат бошқаруви тизимидаги турли бўғин раҳбарлари шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича кўрилган қатъий чора-тадбирлар ёшлар ва спорт соҳасидаги муҳим вазифаларни бажариш имконини бераётгани яққол кўринмоқда.

Қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик, шунингдек, аҳолига тезкор етказиш, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан шошилинч, тезкор чоралар кўриш бўйича амалий ҳаракатлар аниқ белгилаб берилмоқда.

Бугун вазифаларни ўз вақтида бажаришнинг самарали усули замонавий технологияларни жорий қилишдир. Электрон муҳитда ҳужжатлар алмашинувини янада фаоллаштириш орқали ортиқча қоғоз, вақт ва бошқа исрофгарликларнинг олди олинади. Шу билан бирга, ушбу жиҳат белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлаш, яъни муаммони ўз вақтида ҳал этишга замин яратади.

Спорт соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши натижасида аҳолининг оммавий спорт билан қамрови 15 миллионга етди. Шунингдек, спорт билан доимий шуғулланувчилар сони сўнгги йилларда қарийб 1,5 баробар кўпайди.

Жорий йилда 400 дан ортиқ спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2026 йил якунига қадар 7-30 ёшли юртдошларимизни оммавий спорт тадбирларига қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш учун умумтаълим мактаблари, олий ва касбий таълим тизими ўқувчи ва талабалари билан тизимли ишлар ташкил этилмоқда.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари фаолияти янгидан йўлга қўйилиб, спортчиларни индивидуал ҳамда илк бор паралимпия йўналишида спортчиларни тайёрлаш тизими яратилди.

Миллий терма жамоалар аъзолари 2025 йилдаги қарийб 6500 дан 8069 нафарга (5130 нафари асосий ва 2939 нафари захира) етказилди.

Спорт инфратузилмаси кенгайтирилиши ва йирик лойиҳаларнинг амалга оширилиши аҳолини спортга жалб этиш ва юқори спорт натижаларига эришишга катта туртки бермоқда. Сўнгги йилларда 101 та йирик спорт объекти янгидан қурилиб, 67 таси реконструкция қилингани ҳам бунда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Олимпия ва паралимпия марказларида қиймати қарийб 200 миллиард сўмлик спорт объектлари барпо этилиб, барча зарур замонавий инфратузилма яратилди.

Бухоро ва Андижон вилоятларида йирик универсал спорт мажмуалари, Тошкент шаҳрида “Ҳумо арена” муз саройи, “Алпомиш” спорт мажмуаси, Оксана Чусовитина номидаги гимнастика мактаби, Баҳодир Жалолов номидаги бокс мактаби, Республика велоспорт маҳорат мактаб-интернати, Миллий футбол маркази, Олимпия шаҳарчаси ҳудудида спорт объектлари ва иншоотлари каби йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган, олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда намунавий типдаги 1915 та спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жойларда 200 дан зиёд йирик спорт иншоотлари ҳамда 4000 га яқин хусусий спорт клуби иш бошлади.

Сўнгги тўрт йилда спорт соҳасида 24 та ахборот тизими ишга туширилди. “ERP-sport” ягона ахборот бошқарув тизими яратилгани натижасида спортга оид маълумотларни тасдиқланган рақамлар асосида шакллантириш имконияти кенгайди.

Олимпия терма жамоалари сафи 2 баробар кенгайиб, 10 мингни, паралимпия терма жамоалари эса 3 баробар кенгайиб, 1200 нафарни ташкил этди.

Тошкент шаҳридаги Олимпия шаҳарчасида жорий йил 12-17 апрель кунлари илк бор таэквондо WT бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон терма жамоаси 3 олтин, 2 кумуш ва 1 бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати, таэквондочиларимиз мазкур жаҳон чемпионатида биринчи марта бир йўла 3 та олтин медалга эга бўлиб, тарихий натижа қайд этди.

Бишкек шаҳрида шу йил 23-26 май кунлари бадиий гимнастика бўйича катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси 11 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади. Ёш гимнастикачи Тахмина Икромова мусобақада кетма-кет 5 олтин медаль қўлга киритган ягона иштирокчи бўлди.

3-17 июль кунлари эса Жакарта шаҳрида U-19 ва U-23 ёш тоифаларида бокс бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси ушбу нуфузли мусобақада 21 олтин, 6 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритиб, ҳар икки ёш тоифасида ўғил болалар ва қизлар ўртасида умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

18-19 июль кунлари Амман шаҳрида ёшлар ўртасида дзюдо бўйича Осиё чемпионати ўтказилди. 20 давлатдан 173 спортчи иштирок этган мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси 7 олтин, 2 кумуш ва 6 бронза медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллади.

Тагейтей шаҳрида 25-31 март кунлари велоспорт ва пара велоспортнинг трек йўналиши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ёшлар ва катталар ўртасида 24 олтин, 11 кумуш ва 9 бронза медални қўлга киритди. Ушбу медаллардан 21 олтин, 10 кумуш ва 5 бронза параспортчиларимиз ҳиссасига тўғри келди.

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз илк бор жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиб, 2026 йилнинг июнь-июль ойларида жаҳон чемпионатининг финал босқичида иштирок этди. Гуруҳ босқичида Колумбия, Португалия ва Конго Демократик Республикаси терма жамоаларига қарши майдонга тушди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон спортнинг яна бир истиқболли йўналиши — шахмат бўйича халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришиб, дунё миқёсида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Самарқанд шаҳрида шу йил сентябрь ойида ўтказилган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси нафақат Ўзбекистон спорти, балки дунё шахмати тарихида ҳам унутилмас воқеа бўлди. Нуфузли мусобақада Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси жаҳоннинг энг кучли шахмат жамоалари орасида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални қўлга киритди. Шу тариқа шахматчиларимиз 2022 йилда эришган тарихий муваффақиятини такрорлаб, иккинчи бор шахмат олимпиадаси чемпиони бўлди.

Японияда бўлиб ўтган XX ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортнинг 42 тури бўйича 396 спортчи билан қатнашиб, 21 олтин, 25 кумуш ва 24 бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллади.

2025 йилда илк бор уч босқичли “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” спорт мусобақалари тизими йўлга қўйилиб, тажриба тариқасида спортнинг 10 та олимпия тури бўйича ўтказилди. Мусобақаларнинг биринчи минтақавий босқичида 53 туман ва шаҳардан 103 минг ёш спортчи иштирок этган бўлса, улар орасидан 13,3 минги иккинчи босқичга сараланди.

Мусобақаларнинг финал босқичи Олимпия шаҳарчасида Президент олимпиадаси сифатида ташкил этилиб, унда ҳудудлардан сараланган ва Олимпия ҳамда паралимпия марказларидан тўғридан тўғри йўлланма олган 2913 ёш спортчи иштирок этди. Мусобақалар 11 кун ўтказилиб, иштирокчилар 497 медаль жамланмаси учун беллашди.

Мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри 1-ўринни, Тошкент вилояти 2-ўринни ва Хоразм вилояти 3-ўринни эгаллади. Эътиборлиси, 521 ғолиб ва совриндорнинг 331 нафари Ўзбекистон терма жамоалари аъзоси, уларнинг 80 нафари Осиё ва жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорларидир.

Мазкур натижалар “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” мусобақалари ёшларни оммавий спортга жалб этиш билан бирга иқтидорли спортчиларни эрта аниқлаш, саралаш ва юқори натижаларга йўналтиришда муҳим механизмга айланаётганини кўрсатмоқда.

Спортда яратилган яхлит тизимнинг амалий натижалари сифатида жорий йилда Олимпия шаҳарчасида ўтказилган халқаро спорт тадбирларини ҳам мисол қилиш мумкин. Жумладан, 2026 йил августда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати Олимпия шаҳарчасида ўтказилди. Чемпионатда Осиёнинг 29 мамлакатидан 300 дан ортиқ оғир атлетикачи иштирок этди.

2026 йил октябрда Олимпия шаҳарчасининг Сув спорти саройида яна бир муҳим нуфузли мусобақа — сузиш бўйича жаҳон кубоги ўтказилди.

Шулардан ҳам кўриниб турибдики, Олимпия шаҳарчасидаги спорт иншоотлари ўзбек спортининг миллий тимсоли ва ягона спорт кластерига айланиб бормоқда.

Ушбу йирик инфратузилманинг самарали фаолият юритиши, унда яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш ҳамда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш эса, аввало, ижро интизоми ва раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш билан бевосита боғлиқ.

Бугун қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросининг амалда назорат қилиниши йўлга қўйилган бўлиб, бунда вазирлик ҳамда унинг тизимидаги ташкилотларда ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганиш, шунингдек, электрон маълумотлар базаси асосида “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идораларо ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Вазирлик томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Президент Администрацияси раҳбари ҳужжатлари ва топшириқларининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан “технологик занжир” асосида Адлия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда тизимли ишлар бажарилмоқда.

Белгиланган топшириқлар ижросининг ўз вақтида таъминланиши бўйича жавобгарлик вазирликнинг барча бўғини раҳбарлари зиммасига юклатилди.

Шу билан бирга, соҳа мутахассисларига ижро интизомининг аҳамияти ва зарурати бўйича билими, ҳужжатлар билан ишлаш бўйича малакасини оширишга қаратилган амалий машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Спорт вазирлиги масъул бўлган ҳужжатлар ва топшириқлар таҳлил қилинганда, 2026 йилнинг январь-сентябрь ойларида “Ijro.gov.uz” электрон тизимида назоратга олинган 1070 дан ортиқ топшириқнинг ижроси ўз вақтида таъминлангани маълум бўлди. Кўрилган чоралар ва белгиланган вазифалар вазирлигимиз олдида турган муҳим дастур ва режаларнинг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараёнда, юқорида таъкидлаганимиздек, ижро интизомини таъминлаб, ҳар биримиз ўз вазифамизга сидқидилдан ёндашишимиз, “Спортда мукаммаллик: тизим, интизом ва натижа” деган шиор билан ҳар кунлик иш жараёнини ташкил этишимиз зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Бу йилги ҳосилдан фермерларимиз жуда хурсанд, кўнгли тўлган. 5 миллион тонналик ҳосил деҳқон ва фермерларимизнинг юртимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси деб ҳисоблайман.

Бу йил Ўзбекистонда пахта терим мавсуми бир оз ноодатий кечяпти, назаримда. На ортиқча шов-шув, на нархлар билан боғлиқ эътирозлар, жараён оддий ва сокин ўтаётгандек. Одатда пахта терими куз ойи бошланиши билан асосий мавзуга айланарди. Лекин бу гал кўпчилик мавсум қачон бошланиб, қачон пахта терилаётганини пайқамай ҳам қолди. Шахсан ўзимдан бир неча киши "Пахта териляптими ўзи, далаларга пахта экилганми?" деб сўради.



Кун нафаси

БЕШ МИЛЛИОН ТОННАЛИК МАРРА

Фермерлар ҳосилдорликни 100 ЦЕНТНЕРДАН ОШИРДИ

Чунки бирор жойда пахта тераётган одамга кўзимиз тушмади ҳисоб. Ўзаро суҳбатларда ҳам бу мавзуда бирор гап-сўз йўқ. Қизиқ, эсимни таниганимдан буён пахта терими мавсуми илк бор шундай ўтяпти. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари каби пахта экилди, пишиб етилди, териляпти — аслида, мана шу оддий ҳол ва бунинг учун бутун халқни безовта қилмаса ҳам бўларкан!

Терим натижалари эса кунма-кун интернет тармоқлари орқали эълон қилиб турилибди. Шу йилнинг 20 октябрида мамлакатимизда қарийб 4,5 миллион тонна пахта териб олиниб, бир ой бўлмасдан белгиланган шартномавий ҳажмнинг 99,98 фоизи бажарилгани, орадан икки кун ўтиб бу натижа 100 фоиздан ошганини кўриб, "Қойилман-э!" деб юборгандим. Хабарни ўқиганимда, хорижий давлатда бўлганим учунми, бундан фахрланиб ҳам кетдим. Ёнимда олтмиш ёшдан ошган аммам бор эди, дарҳол бу ҳақида унга айтганимни биламан, "Бизда ҳали ҳам пахта экиладими?" деса бўладими! Бир томондан хурсанд бўлдим, одамлар пахта теримини унутиб ҳам қўядиган кунларда яшаётганимиз, олдингидек бу барча сафарбар этиладиган қора меҳнатдан деҳқончиликнинг бир қисмига айлангани яхши натижа. Кейин аммам қўшимча қилиб, "Ҳозир ҳеч ким теримга чиқмайди шекилли, бизнинг давримизда терим бошланиши билан даладан бери келмасдик, ўқишни ҳам йиғиштириб қўярдик", деди. Баъзан бир нималардан нолиб турадиган аммамга дарров "Ана кўрдингизми, бу юртимиздаги ўзгаришларнинг бир кўриниши, холос. Буни ҳам инкор этасизми", деб қўйгандим, "Йўқ, бу ростдан ҳам катта ўзгариш", деб тан олди.

* * *

Орадан кўп ўтмай, рақамлар янада катталашди. Шу йилнинг 4 ноябрь куни рекорд натижа — янги Ўзбекистон тарихида илк бор 5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилгани эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги ходимларини ушбу юксак натижа билан табриклади. "Албатта, сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, жасорат ва матонатингиз билан қўлга киритилган бу тарихий ғалаба бутун халқимизнинг ғалабаси. Бу — пахтачилик соҳасидаги янги Ўзбекистон мўъжизасидир", дея эътироф этди Президентимиз ўз табригида.

Тўғри, янги Ўзбекистонда барча соҳаларда тарихий натижалар тез-тез қайд этилаётганига ўрганиб қолдик. Аммо пахта масаласи бошқа. Бу яқин йилларгача энг оғриқли нуқталаримиздан бири бўлиб келган. Йиллар давомида қора терга ботиб, пахта далаларида меҳнат қилган ўзбеклар ҳосилни гектарига 30-40 центнердан оширолмаган. Режани бажараман деб то куз бошидан декабргача даладан чиқмаса-да, хирмонни базўр тўлдирган деҳқон ва фермерлар бугун бир ой ўтар-ўтмасдан пахта ҳосилини ортиғи билан териб олгани бизни кўпроқ ҳайратлантиряпти. Аксарияти гектаридан 70-80 центнер ҳосил олди. Баъзилари ҳосилдорликни 100 центнердан оширди.

Рақамларни янада аниқлаштиришимиз мумкин. Жорий йилги мавсумда мамлакатимиздаги 4 мингдан зиёд фермер пахта ҳосилдорлигини ўртача 60-70 центнердан, 2,5 минг нафари эса 80 центнердан оширган бўлса, мингга яқин фермер хўжалиги ва кластер 100 центнерли ва ундан ҳам юқори маррани забт этган. Давлатимиз раҳбари ўз табригида Пахтакор туманидаги Анорбой Эшматов ва Жарқўрғон туманидаги Улуғбек Сўпиев ҳар гектар ердан 110 центнердан ҳосил олганини алоҳида қайд этди. Бошқа кўплаб илғор фермерлар номини ҳам тилга олди.

Ана шундай қаҳрамонлар ҳақида эшитганингда дарров уларнинг суҳбатини олгинг келади. Ҳамманики қатори ер, сув, қуёш бўлган, барча каби тенг шароитлардан фойдаланаётган бу фермерлар қандай қилиб бундай юқори ҳосилдорликка эришганига қизиқдим. Пахта терими аввалидаёқ кўплаб фермерларимиз 80 центнердан юқори маррани кўзлаётганини айтганди, аммо ҳосилни 110 центнердан ошириш анча катта натижа. Орадаги 20-30 центнер кичик рақам эмас ва бу фермернинг ўзи учун ҳам кутилмаган натижа бўлса керак.

> **Рақамларни янада аниқлаштиришимиз мумкин. Жорий йилги мавсумда мамлакатимиздаги 4 мингдан зиёд фермер пахта ҳосилдорлигини ўртача 60-70 центнердан, 2,5 минг нафари эса 80 центнердан оширган бўлса, мингга яқин фермер хўжалиги ва кластер 100 центнерли ва ундан ҳам юқори маррани забт этган.**

"Аввало, 5 миллион тонналик пахта хирмони юртимиз ҳаётидаги жуда катта тарихий натижа, — дейди Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Анвар А" фермер хўжалиги раҳбари Анорбой ака Эшматов. — Бунда барча деҳқон, фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакилларининг ҳиссаси бор. Сўрасангиз, ҳар бири гектаридан камида 70 центнердан зиёд ҳосил олди. Ўзимиз ҳам ғалланинг ҳар гектаридан 80 центнер, пахтадан 110 центнердан ортиқ ҳосил йиғиштириб олдик. 1997 йилдан буён фермерлик билан шуғулланаман, бироқ ҳеч қачон бундай ҳосилдорликка эришмаганмиз. Бу йил ҳақиқатан ҳосилдорлик анча юқори бўлди.

Мендан кўпинча "Қандай қилиб юртимизда пахта ва ғалла ҳосили бирданига бунчалик ошди, қандай мўъжиза рўй берди?" деб сўрашади. Айниқса, 110 центнерли маррани забт этганимиздан кейин бундай саволлар янада кўпайди. Чунки четдан қараганда бир мўъжиза рўй бергандек кўринади — 30-40 центнердан оширолмай юрган фермерлар 100 центнердан юқори ҳосил оляпти.

Албатта, бунинг ортида, аввало, меҳнат ётади. Аммо меҳнатнинг ўзи билан иш битмаслигини мамлакатимиздаги ҳақиқий ҳолат йиллар давомида кўрсатган. Деҳқончиликни 1980-йилларда бошлаган вақтим билаги кучга тўла навқирон 22 ёшли йигит эдим. Фермерликни бошлаганимдан кейин ҳам ишлаб тинмасдим, бироқ куну тун тер тўкиб ҳам пахтадан кўпи билан 30-35 центнер ҳосил олардик. Ўша 35 центнер қаёқда-ю, ҳозирги 70-100 центнер қаёқда?! Бу ҳақида гапирилса, баъзиларга эртакдек, айримларга эса эриш туюлади. Аммо салкам бир асрдан буён пахта етиштираётган ўзбек халқи 2017-йилларгача пахта ҳосилини 30-35 центнердан ошира олмагани тарихий факт эмасми?

Баъзан бу натижаларнинг омилларини ўзим ҳам таҳлил қиламан. Бу оддий сир ёки ўз-ўзидан бўлган мўъжиза эмас. Шу соҳа одами сифатида айта оламанки, бу натижалар замирида юртимиз қишлоқ хўжалигида кечаётган қатъий ва улкан ислоҳотлар ётибди. Буни янада деталлаштирсак, қатор муҳим жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Яъни мамлакат қишлоқ хўжалигини янги босқичга олиб чиқишда энг катта эътибор илм-фан, илғор технологиялар ва тармоқ вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга катта имтиёзлар беришга қаратилди. Соҳада йиллар давомида тўпланиб келган ҳар бир муаммога аниқ ечимлар берилди. Ишни ривожлантиришда ҳар қандай имкониятдан фойдаланишимиз учун кенг йўл очилди.

Илм ҳақида гапирсангиз, далада илмнинг нима кераги бор дейдиганлар топилади. Бир мисол, биз йиллар давомида ўзимизнинг маҳаллий пахта навларини ўзимиз одатланган усулда экардик. Натижада қанча парвариш қилинмасин, катта ҳосил олинмаган. Ҳозир илмфан асосида яратилиб, далада қўлланилаётган янги навлар, экиш технологиялари ҳосилдорликни оширишда асосий омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бир неча йил олдин Хитойга ташрифи давомида улардаги пахта етиштириш технологиясини ўрганиш, экиннинг ҳосилдор навларини олиб келиб, ўзимизда етиштириш топшириғини берганди. Шундан кейин кўплаб фермер хўжаликлари янги биотехнологик навларни экишни бошлади ва ҳақиқатан ҳосилдорлик юқори эканига гувоҳ бўлдик. Бу навларнинг афзалликларидан бири экиш технологиясида. Яъни ушбу навлар 76 схемага қўшқатор экиляпти. Бунда кўчат сони анъанавий усулда экиладиган кўчатларга нисбатан 3 баравар кўп бўлади. Ушбу навлар шохламасдан, бармасдан ўсгани боис, кўпроқ кўсак солиш имконини беради. Кўсак кўп бўлганидан кейин ҳосилдорлик ҳам ошади. Пахтани бу усулда экиб кам олишга қурбимиз етмасди. Ҳозир эса давлатнинг ўзи бу масалада бизни қўллаб, имтиёзли кредитлар, субсидия ва лизинглар ажраётгани юқори ҳосилдорликнинг яна бир сири. Ер чопиш, ягона қилиш каби агротадбирларга деярли ҳожат қолмаган. Сув ҳам, ўғит ҳам томчилатиб суғориш орқали берилади, ишчи кучи керак бўлмайди. Баъзи фермерларнинг ер майдонларида кимёвий дориларни дронлар сепяпти. Пахта ҳосилимизнинг катта қисмини эса терим машиналари теряпти.



бўлмадик, ҳар 100 гектардан 14 гектар ерни иқтисод қилдик. Ҳосилдорлик ҳам катта бўлди, буни натижалар кўрсатяпти. Асосийси, пахтанинг хорижий навлари еримизга яхши тушди, парвариш қулай экан. Ўз вақтида суғорилиб, парвариш қилинса, кутганимиздан ҳам кўпроқ ҳосил бераркан.

Суғориш жараёнларида томчилатиб суғориш каби илғор технологияларни кенг қўллаяпмиз. Албатта, булар катта маблағ туради, аввалги шароит бўлганида уларни сотиб

Ҳозир фермер хўжалигимизда ўнлаб техника бор. Гап оддий иш қуроллари ҳақида бормаяпти, мананам деган давлатларнинг энг қиммат, замонавий техникасини олиб ишлатяпмиз. Бу йилги мавсумда шу кунгача пахтадан 570 тонна ҳосил олдик — бир килограмми ҳам қўлда терилмади, ҳаммасини энг замонавий пахта териш машиналарида йиғиштириб олдик. Аввалларипахтани қўлда териб, декабрь ойида ҳам далада теримда бўлардик. Қўлларимиз қавариб, ёғингарчиликка қолиб, қанчадан қанча ҳосил нес-нобуд бўлгани кечагидек кўз олдимизда. Агар олдинги вазият бўлганида ҳозиргача пахтанинг ярмини ҳам териб олмаган бўлардик. Бугун юқори унумли техника фермернинг ишини осонлаштириб, пахтани тез ва сифатли териб олишга хизмат қиляпти. Бир ойга етиб етмасдан туманимиз ҳам, вилоятимиз ҳам пахтани тўлиқ териб олди. Бу йил вилоятимизда 70 минг гектар майдонда 400 минг тоннадан зиёд пахта етиштирилди. Бу ҳам фермерларимизнинг жуда катта ғалабаси, қолаверса, мана шу натижаларга эришишимиз учун яратиб берилган шароит, имкониятлар маҳсули.

Жорий йилдан фермерларга яна бир имконият яратилди — кредит олмасдан спот шартномаси бўйича ишладик. Бу механизмнинг афзаллиги — ўз пулингизга ўзингиз эгалик қиласиз, сарфларни назорат қиласиз, энг қизиғи, қилинган харажатнинг 10 фоизи фермерга давлат томонидан субсидия тарзида қайтариб берилади. Пуллар ўз вақтида ташлаб бериляпти, фермер меҳнатининг роҳатини кўряпти, ўз пулини ололмасдан сарсон югуриб юрмаяпти. Бу ҳам бизни янада кўпроқ ишлашга, қўшимча иш ўринлари яратишга рағбатлантиради.

Бу йилги ҳосилдан фермерларимиз жуда хурсанд, кўнгли тўлган. 5 миллион тонналик ҳосил деҳқон ва фермерларимизнинг юртимиз ривожига қўшган муносиб ҳиссаси деб ҳисоблайман. Даромади ҳам шунга яраша бўлади. Давлатимиз раҳбари ўз табригида бунга алоҳида урғу бериб, бу йил фермерларимиз пахтадан 13-14 триллион сўм соф фойда олиши кутилаётганини таъкидлагани бежиз эмас. Аввалари фақат пахта режаси ҳақида гапирилиб, фермернинг меҳнати маҳсули билан бировнинг иши бўлмасди. Бугун ҳар қандай натижа ортида инсон қадри турганини ана шундай кичик деталларда ҳис қиламиз. Бугун катта хирмон ортида, аввало, деҳқон ва фермерларимизнинг даромади ортиши, одамларнинг фаровонлиги янада ошиши кўзланаётгани бизни янада қувонтиради".

* * *

Аммам билан суҳбатимиз анчагача чўзилди. Пахта далаларида ўтган болалиги (агар болалик дея олса), пахта деса безиб қолган кезлари, режани бажариш учун пахта орасига солиб юборилган тошлар, бўрттириб кўрсатилган рақамлар ортидаги қинғирликлар, ёмғир-қорда ивиб пахта теришгани, баъзан ҳеч нарса қолмаган майдонларда кўсаклар орасидан пахта излашгани, энг ачинарлиси, буни одатий ҳол деб қабул қилишга мажбур бўлинганини ҳикоя қилиб берди. Ҳаммасини кулиб айтди, аммо ич-ичидан қандайдир зарда сезилиб турарди.

"Меҳнат билан одам ўлмайди", дерди бувим раҳматли. Тўғри, пахта терган одамлар ўлмаган бўлиши мумкин, аммо азоб-уқубат ва охир-оқибатда "ўзбек иши" деган оғир кунларни олиб келган пахта терими инсонлар ҳаётини, болалигини, соғлиғини ўғирлагани бор гап. Ачинарлиси, инсонлар меҳнатига яраша ҳақ ололмаган, аксинча, режани бажаролмасдан қуруқ туҳматга, катта савдоларга қолганлар қанча. Баъзан пахта теримини ижобий хотиралар билан эслайдиганлар топилади катталар орасида. Аммо уларнинг ҳеч бири ўз фарзандини пахта даласига чиқаришни асло истамайди.

Чиқармасин ҳам. Энди пахта теримини фақат шундай эслайлик. Аслида, бугун даромад топишни истаганлар ҳам пахта теримига чиқа олмаяпти. Чунки жараён деярли тўлиқ механизациялашди, худди ривожланган давлатлардаги каби бизда ҳам энди пахтани фақат терим машиналари йиғиб оляпти. Уларнинг ҳар бири бир неча ўнлаб инсон ўрнини босади, катта вақт ва харажатни тежайди.

Бундан ўн йил олдин шулар ҳақида гапирилса, биров ишонмасди, ислоҳотларга шубҳа билан қараганлар қанча. Мана, бугун "Ўзи бизда пахта териляптими?" деб сўраяпти одамлар. Айниқса, бу йилги натижалар қилинаётган ишлар самарасини яққол кўрсатди. Одамларни ёппасига теримга жалб қилмасдан туриб ҳам пахтадан бир неча баробар юқори ҳосил олиш мумкинлигини янги Ўзбекистон тажрибаси бутун дунёга намоён эта олди.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Эътироф

БАРАКАЛИ ХИРМОН СИРИ

"Янги Ўзбекистон" газетасида деҳқон, фермер, умуман, қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари фикрларини ўқиб боряпман. Улар пахтачиликда эришилган тарихий натижа мазмун-моҳиятини очиб беряпти. Ҳа, бугун соҳанинг фидойи инсонлари қаҳрамонлик кўрсатди. Бундай қувончли хабардан қувондим. Кўз олдимдан яқин тарихимиз ўтди. Шу боис, бу борадаги фикримни билдиргим келди.



Собиржон ДЕҲҚОНОВ,
Риштон туманидаги 42-умумтаълим мактаби ўқитувчиси,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон деҳқон ва фермерлари, кластер ходимлари ҳамда барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига йўллаган табригида ҳосилнинг 85 фоизи терим машиналари ёрдамида йиғиштириб олингани айтилди. Табрикни ўқир эканман, пахта азоб-уқубатлари билан боғлиқ воқеалар кўз олдимга келди. Ярим асрдан буён ўқитувчи бўлиб ишлайман. Эсимни таниганимдан токи яқин йилларгача ҳаётимиз пахта даласи билан боғлиқ кечди. Ўша пайтларда мактабда дарслар қандай ўтилаётгани, ўқувчиларнинг билим даражаси билан ҳеч ким қизиқмасди. Аксинча, биздан қанча пахта тердинг, теримга қанча ўқувчи чиқди деб сўрашарди. Мактабга костюм-шим, бўйинбоғда эмас, оёғимизга кирза этик, эгнимизга қалин фуфайка кийиб келиш одатий ҳол эди. Дарсга китоб ёки ўқув қўлланмалар эмас, терим этаклари олиб кирганмиз. Ғўза орасида боши базўр қорайиб кўринадиган бошланғич синф ўқувчилари ҳам теримга жалб этиларди. Дала бошига бориб, ҳар куни одам санардик. Спорт майдонларида болалар кўринмасди. Чунки бу майдонлар пахта қуритишга хизмат қиларди. Ўз вазифамиз қолиб, эрта баҳорда чигит экишга, ягана, чопиқ, ҳашаротларга қарши курашишга жалб этилардик.

Ҳануз ёдимда. Бир йил тумандаги пахта пайкалларини кўсак қурти босди. Шунда ўқитувчи ва ўқувчилар кўсак қуртини теришга жўнатилдик. Ҳатто бу бўйича биздан ҳисоботлар ҳам сўрашган. Мактабимиз синфхоналари Фарғонадан келган ҳашарчи талабалар, корхона ишчи-хизматчиларига ётоқхона сифатида бўшатиб бериларди. Икки чорак шу тарзда якун топарди. Пахта етиштирган фермер бир четда қолиб, ўқитувчи терим отрядига бошчилик қиларди. Кун бўйи пахта йиғим-теримида иштирок этган муаллим кечга бориб ҳокимликка кунлик натижа ҳақида ҳисобот топширарди. Белгиланган терим режасини бажармаганларга жазо қўлланилган. Шахсан ўзим таниган салоҳиятли мактаб директорлари, ўқитувчилар мавсум ишларида "жонбозлик" кўрсатмагани учун ишдан олинган. Емаган сомсага бадал тўлашган, ўқувчилар, яқинлари олдида мулзам бўлган. Давр шуни тақозо қиларди. Сентябрда бошланган йиғим-терим декабрь ойи охирига қадар давом этарди. Ўшанда ҳам ҳосилдор ерлардан кўпи билан 30 центнердан пахта териб олинган, холос. Улкан пахта хирмони яратамиз деб, бутун халқ азоб-уқубат гирдобида эди. Оддий мисол, пахта теримида тўй қилиш, таътилга чиқиш, саёҳатга боришга рухсат берилмасди.

Энди ҳаммаси ўзгарди. Ўқитувчи, ўқувчи, талабаларсиз ҳам пахта териб олса бўларкан. Бу йил гектаридан 80-100 центнердан хирмон кўтарган миришкорлар меҳнатига тасаннолар айтиляпти. Бу бежиз эмас, албатта. Қишлоқ хўжалиги соҳасида туб ислоҳотлар қилиняпти. Масалан, бундан бир неча йиллар аввал туманимизда фақат пахтани бирламчи қайта ишлаш тармоғи фаолият кўрсатган, холос. Пахта экишдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб оладиган занжир яратилди. Соҳага инвестиция кириб келди. Янги тизим деҳқонлар манфаатдорлигини оширди. Йиллар силсиласида юзага келган эскича иш тизими — буйруқбозлик, қоғозбозлик, таниш-билишчиликка барҳам берилди. Фермерлар ҳосил етиштиришда ҳеч нарсага эҳтиёж сезмаётганини бот-бот такрорламоқда. Ишчи-хизматчилар ўз вақтида ойлик маош оляпти.

Ўқитувчи, ўқувчилар машғулотларга қайтди. Бугун мактабимизда ҳаёт қайнамоқда. Янги мақсад, ғоялар сари интилаётган ёшлар сафи кундан кунга ортиб боряпти. Мактабимизда 800 га яқин йигит-қиз таълим олмоқда. Шу кунга қадар юқори синф ўқувчиларидан 80 нафари она тили ва адабиёт, математика, хорижий тиллар бўйича мувофиқлик сертификатлари олди. Бу уларнинг келажаги, эртанги куни йўлида қўйилган муҳим қадам.

Ҳамма ўз иши билан банд. Қолаверса, ким қандай маррани кўзласа, уни забт этиш учун барча имконият бор. Фикримизни пахтадаги улкан хирмон яратилгани ҳам тасдиқлайди. Шулар ҳақида ўйлаб, бир ҳақиқатни, шундай улкан хирмон сирини англагандай бўлдим. Яъни халқни рози қилиш йўлидаги катта ислоҳотлар қаторида мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Биргина шу янгиланиш сабаб юртдошларимиз қанчалик қувонгани ҳеч кимга сир эмас. Бу — халқ розилиги! Демоқчимизки, розилик бор жойда барака бўлади. Ҳамма ўз ишини бажарадиган жамиятда эса ўсиш ва тараққиёт жадаллашади.



Инсон табиати шундай: ҳар куни кўриб турган, кўникиб қолганларимизни оддий ҳолатдек қабул қиламиз. Масалан, соғлиғимизни олайлик. Соғлом пайтимиз худди шундай бўлиши керакдек туюлади. Уни йўқотиб, танамиз бирор дарддан азоб чека бошлагач, дунё кўзимизга қоронғи бўлиб қолади. Бутун бойлигимиз эвазига бўлса-да, уни қайтаришга рози бўламиз.



Хуршидбек РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги
Бирлашган таҳририяти
бош муҳаррири, подполковник

Тинчлик — бундай неъматларнинг энг олийси. Зеро, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик муҳити барқарорки, ҳар куни бемалол ухлаймиз, эртанги кунга режалар тузамиз, фарзандларимизни хавотирсиз ўқишга кузатамиз.

Ҳа, буларнинг барчаси — моддий ва маънавий бойлик орттириш, обрў-эътибор қозониш, қайси касб ёки лавозимда бўлмасин, муваффақиятга эришиш фақат бир шарт — тинчлигимиз барқарор бўлгандагина амалий мазмунга эга бўлади. Ана шунда хотиржам тортамиз, қилаётган ишимиздан қониқиш, ҳаётимиздан тўкислик туямиз. Бинобарин, тинчлик-осойишталик, хотиржамлик худди биз нафас олаётган ҳавога ўхшайди: борлигида сезилмайди, аммо бир лаҳза етишмай қолса, ҳаёт тўхтаб қолгандай бўлади.

Аслида, айни кезларда тинчлик қадрини ортиқча таърифлашга зарурат йўқ. Чунки аксариятимиз бугун ижтимоий тармоқлар орқали дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган қуролли тўқнашувлар, уларнинг оқибатида фарзанд доғида азоб чекаётган ота-оналар, бир кечада етимга айланиб қолаётган болалар, очлик, чорасизликдан силласи қуриган халқлар — миллионлаб тақдирлар мисолида тинчликнинг нақадар бебаҳо неъмат эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ана шундай паллада нафақат тинч ва осойишта юртда, балки Президентимиз ташаббуси билан бошланган янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси замирида, аввало, инсон қадрини улуғлаш мужассам экани ва асосийси, ана шу мақсад йўлидаги шиддатли ислоҳотлар самараси ҳар бир соҳа ва тармоқ, шаҳар ва қишлоқ, ҳар бир хонадон ёки тақдир ҳаётида туб бурилиш ясаётган мамлакатда яшаётганимизга шукрона айтамиз.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда юртимиз тамоман ўзгарди. “Инсон — жамият — давлат” тамойили асосида давлат бошқаруви моҳияти янгиланди. Аввало, инсон ва унинг қадр-қиммати! Юртимизда кечаётган барча ислоҳотлар, янгиланишлар марказига айнан шу талаб қўйилди: бу лойиҳа инсонларга қандай манфаат олиб келади, бу ўзгариш юртдошларимизга қанақа қулайлик келтиради, бу қарор аҳолининг бугунги ҳаётини қанчалик ижобий томонга ўзгартиради, бу ташаббус халқимиз хоҳиш-истагини қанчалик тўлиқ ифода этади?

Марказга айнан инсон қадрини улуғлаш мақсадининг қўйилиши, шубҳасиз, бугун қўлга киритилаётган барча ютуқлар, тарихий натижаларнинг асосий омилларидан. Буни ички ишлар тизимидаги янгиланишлар, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ушбу тизимнинг ўрни мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили 25 октябрь Ички ишлар органлари ходимлари куни сифатида нишонланади. Айниқса, бу йилги касб байрами Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташкил этилганининг 35 йиллиги билан ҳамоҳанг кечди. Мазкур сана муносабати билан Президентимиз ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги йўллади.

Унда ички ишлар ходимларининг машаққатли меҳнатидан ташқари, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларга ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бутун тизим шахсий таркиби, устоз-мураббийлар, уларнинг ота-оналари, турмуш ўртоқлари ва фарзандларини чексиз қувонтирди. Айниқса, табрикдаги қуйидаги жумлалар ҳар бир ходимни бирдай руҳлантириб, ўзгача куч-ғайрат бағишлагани шубҳасиз.

“Ушбу қутлуғ кунда халқимиз осойишталигини таъминлаш, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги садоқатли хизматингиз учун барчангизга самимий миннатдорлик билдираман.





Юрт тақдирига ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ ички ишлар органлари ходимлари хизматида яққол намоён бўлиши керак

Албатта, юртимизда ўз фарзандини мактабга кузатаётган ота-онанинг хотиржамлиги, маҳаллаларимиздаги осойишта ҳаётни мустаҳкамлашда сизларнинг кундалик фидокорона меҳнатингиз ва ҳиссангиз борлигини барчамиз яхши биламиз”.

Президентимизнинг бу илиқ фикрлари бутун тизимга берилган юксак баҳо ва ишонч бўлиши билан бирга, ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди.

Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори, касб байрами муносабати билан бир гуруҳ ходимларнинг давлат мукофотлари билан тақдирлангани замирида тизимдаги ватанпарвар ва садоқатли инсонларнинг туну кун қилаётган заҳматли меҳнатига берилган баҳо билан бирга яна бир муҳим жиҳат бор.

Бу жамиятимизда хавфсиз муҳит яратиш масаласи доимо кун тартибида бўлиб, тизимнинг барқарор ишлаши учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, моддий шароитлар яратиб берилгани самарасидир.

Ўтган 35 йилда ички ишлар органлари тизими мураккаб йўлни босиб ўтди. Айниқса, мустақилликнинг илк йилларидаги оғир ижтимоий вазият, уюшган жиноятчилик, терроризм ва экстремизмга қарши кураш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Юрт тинчлиги, жамият барқарорлиги йўлида ички ишлар ходимлари муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Бундан 10-15 йил олдин хизмат қилган, оддий маҳалла профилактика инспектори кечаю кундуз хизмат бурчини масъулият билан бажарар, оилалар, хонадонлар хотиржамлиги учун елиб-югурар эди, лекин ҳамма-сининг ҳам ўз уйи, бошпанаси бормиди, автомашинаси-чи? Қанча маош оларди ўзи? Ёки унинг оилавий аҳволи, фарзандларининг келажаги ҳақида кимдир қайғурармиди?



Айрим ҳолларда ўз хизмат вазифасига тегишлими ёки йўқми — топшириқни бажаргани учун охир-оқибат айбсиз айбдор бўлиб қолганлари ҳам учраб турарди. Асли вазифаси жиноятчиликка қарши кураш бўлган милиция ходими пахта терими, буғдой ўрими, ҳатто далага минерал ва маҳаллий ўғит берилиши каби жараёнларга ҳам сафарбар этилгани ҳақиқат.

Буларнинг барчаси битта масалага боғлиқ эди, яъни қонунга. Ички ишлар органлари тизими мустақилликнинг чорак асри давомида қонунсиз, вақтинчалик низом асосида ишлаганини кўпчилик яхши билади. Шу боис, 2016 йил 16 сентябрда “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилингани чинакам тарихий воқеа бўлди. Мазкур ҳужжат тизим фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тизимлаштириш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш йўлидаги ислоҳотларни бошлаб берди.

Қонун тизим ходимларининг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Нафақат ўзи, балки оиласи, фарзандлари келажаги учун ҳам умид пайдо бўлди. Мавжуд тартибдан келиб чиқиб, кунбай ишловчи ходимларда янгиликка интилиш, ўз устида ишлаш кўникмалари уйғонди. Шахсий таркибнинг асосий қисми қуйи бўғинга туширилиб, марказдан бошқариладиган узоқ тизимдан бевосита маҳаллаларда фаолият юритиш йўлга қўйилди.

Сўнгги йилларда тизимда очиқлик ва шаффофликни таъминлашга эътибор қаратилиб, жамоатчилик назорати кучайди. Доимий тарзда журналистлар, блогерлар ва оммавий ахборот воситалари иштирокида матбуот анжуманлари ташкил этилмоқда. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ички ишлар органи ходимларига, масъул раҳбарларга энг қалтис саволларни ҳам бемалол бериши, масъулларнинг ҳолат юзасидан жамоатчиликни хабардор қилиш кўникмаси ҳам шаклланди.

Бугун фуқароларнинг ҳар бир мурожаатини чуқур ўрганиш ва қонуний ҳал этиш чораларини кўриш орқали одамларнинг розилигига эришиш, мурожаатларни кўриб чиқишни фақат маъмурий жараён эмас, бошқарув сифати кўрсаткичи деб баҳолаш фаолиятда асосий мезонлардан бирига айланди. Ички ишлар вазири томонидан ҳар ойнинг охирги якшанбасида, вазир ўринбосарлари ва ҳудудий раҳбарлар томонидан эса ҳар ҳафтада шахсий ва сайёр қабуллар ўтказилиши тизимли йўлга қўйилди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғидан тортиб, ички ишлар вазиригача бўлган масъулларнинг маҳаллаларда сайёр қабуллар ташкил этиб, аҳолининг дарду ташвишини тинглаши, муаммоларига ечим топиши одатий ҳол бўлиб қолди. Бу жараён давлатимиз раҳбарининг “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу ғоясининг амалий ифодаси бўлди. Буларнинг барчаси яқин ўтмишдаги “милициядан узоқроқ юриш керак” деган хавотирли қарашларга барҳам бериб, фуқароларнинг тизимга ишончи ортишига хизмат қилмоқда.

Бугун Ватан остонаси бўлган маҳаллада профилактика инспекторининг ўз уйи бор. Хонадон пештоқига бу уйда профилактика инспектори яшаши ҳақида маълумот ёзилиб, давлатимиз байроғи ўрнатилган. Ходимларнинг оиласидан кўнгли тўқ, маҳалла аҳли билан бир оила каби аҳил-иноқ фаолият юритиши учун зарур механизмлар яратилган. Кўча ва йўлакларни рақамлаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, хонадонбай ишлаш усуллари ходимларни халққа янада яқинлаштириб, муаммоларни ҳудуднинг ўзида ҳал этиш, юз бериши мумкин бўлган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини барвақт олиш имконини бермоқда. Қисқаси, бугун ҳар бир маҳалланинг ўз эгаси бор.

Давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи чоғида маҳаллаларда ҳам бўлиб, оддий профилактика инспекторлари билан суҳбатлашиб, уларнинг муаммо ва таклифларини эшитиши, кўп ҳолларда жойларда масъулият билан хизмат қилаётган оддий ходимларни муносиб рағбатлантириши минглаб ходимларни руҳлантириб, фидойилик ва садоқат билан хизмат қилишга ундамоқда.

Олдинлари бир ёқадан бош чиқариб ишлашини тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳудудлардаги маъмурий идоралар ҳам ягона мақсад йўлида бирлашиб, ҳамкорликда ишлай бошлади. Жамиятда хавфсиз муҳит яратиш борасидаги вазифаларни бажаришда фақат ички ишлар органлари эмас, ҳокимлик, прокуратура, миллий гвардия, солиқ, соғлиқни сақлаш, таълим, маҳалла каби идора ва ташкилотлар ҳам бирдай жавобгар экани белгиланди.

Ҳар бир ҳудудда хавфсиз муҳитни таъминлаш барча даражадаги раҳбарлар учун устувор вазифага айланди. Криминоген вазияти оғир маҳаллаларга ички ишлар органлари билан бир қаторда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва ҳуқуқтартибот соҳасидаги таълим муассасалари бириктирилиб, кундалик манзилли ишлашга асосланган “ягона фаолият занжири” шакллантирилди. Жорий йилнинг ўтган даврида мамлакатимиздаги маҳаллаларнинг қарийб ярмида жиноят содир этилмагани ҳам амалий саъй-ҳаракатлар самараси, албатта.

“Ички ишлар органлари — жазоловчи орган” деган тушунча буткул барҳам топиб, ҳозир ички ишлар органлари сифатли давлат хизматлари кўрсатувчи тизим сифатида намоён бўлмоқда. Бугун вазирлик томонидан кўрсатилаётган 60 турдаги давлат хизматининг 55 таси тўлиқ рақамли шаклга ўтказилган. Мазкур йўналишдаги ишлар юқори баҳоланиб, жорий йил бошида БААнинг халқаро экспертлари томонидан Давлат бошқаруви самарадорлигини баҳолаш дастури доирасида мамлакатдаги 41 та вазирлик ва идоралар ўртасида ўтказилган танлов натижаларига кўра, Ички ишлар вазирлиги давлат хизматларини кўрсатиш йўналишида ғолиб деб топилди.

Ички ишлар тизимида ҳам юксак малакали, замонавий фикрлайдиган, ўз бурчига, Ватанимиз ва халқимизга содиқ ходимлар ислоҳотлар тақдирини белгилайди. Шу боис, ходимларни юксак билим ва касбий маҳоратга эга, ватанпарвар, эл-юрт осойишталигини асраш борасидаги бурчини виждонан бажарадиган, миллий ғурур ва Ватанга садоқат туйғусига эга, фидойи инсонлар сифатида тарбиялаш, уларнинг касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг табригида “Ўзингни англа ва ўзгани қадрла” деган тамойилга амал қилган ҳолда фаолият олиб бориш ички ишлар соҳаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга”, деб қайд этилди.

Дарҳақиқат, “инсон қадри учун” тамойилига асосланган ислоҳотлар янгиланишлар жараёнида тизимнинг халқчил тузилмага айланиши, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолиятидан розилигига боғлиқ. Қолаверса, тизимда хизмат қилаётган ходимларнинг тўғрилиги, ҳалоллиги, ҳар қандай вазиятда ҳам адолат тамойилларига кўра иш кўриши жуда муҳим.

Ижтимоий тармоқлар орқали бугунги ички ишлар органлари фаолияти юзасидан фуқароларнинг билдираётган мулоҳазалари, ходимларнинг қалтис вазиятлардаги қонуний ва ўз ўрнида чин инсоний ҳаракатларига жамоатчилик томонидан ижобий муносабат билдирилиши “халқчил тизим” ғоясининг амалдаги ифодаси бўлибгина қолмай, ички ишлар органларининг ижобий имижи шаклланиб бораётганини ҳам кўрсатмоқда.

Президентимизнинг табрик сўзларидаги қуйидаги даъват, ўйлайманки, ҳар бир ходимнинг миллий ғурур ва садоқат билан бажараётган муқаддас бурчининг шараф ва масъулиятини янада теранроқ англашга ундайди.

“Бугунги кунда биз илгари сураётган “Ўз” ғояси замиридаги юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси сизларнинг хизматингизда ҳам яққол намоён бўлиши керак. Ҳар бир хонадоннинг осойишталигини ўз оилангиз тинчлигидек асраш — “Ўзимнинг Ўзбекистоним” деган ифтихор ҳиссининг амалий ифодасига айланиши лозим”.

Зеро, она Ватан тинчлиги, элдошлар хотиржамлиги йўлида хизмат қилиш, ўзини шу юрт тақдирига дахлдор деб билган инсон учун чинакам ватанпарварлик ва юксак ифтихордир.

ВАҚТ, МУЛОҚОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

болаларни ташқи хавфдан асраб, ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг самарали омилларидир

Бугунги глобаллашув даврида болаларни асраш тушунчаси фақат уларни едириб-ичириш ёки кийинтиришдан иборат эмас. Фарзандларимизни ахборот хуружлари, интернетдаги зарарли ўйинлар ва ижтимоий тармоқларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш биринчи даражали вазифага айланди. Болага вақт ажратиш, у билан дўстона мулоқот қилиш ва қизиқишларини тўғри йўналтириш — ташқи хавфлардан асрашнинг энг самарали йўли. Келажагимизни ўйласак, ҳар бир ўғил-қизнинг тарбияси ва хавфсизлигига масъулият билан ёндашишимиз шарт.

Кейинги йилларда мамлакатимизда болаларни, айниқса, зўравонликдан жабрланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган изчил чоратадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Богота ҳаракатлар чақирувига қўшилди ва Болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйиш бўйича глобал алянс аъзолигига қабул қилинди. 2026-2030 йилларга мўлжалланган Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди.

Шу билан бирга, бугун болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтириш, уларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, процессуал ҳаракатлар жараёнида малакали юридик ёрдам олиш имкониятини таъминлаш, шунингдек, боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Жорий йил 14 октябрдаги “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. Зеро, миллати, дини, тили, ирқи, келиб чиқиши ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир ўғил-қиз эъзоз, меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик ва ҳимояга муносиб. Ер юзидаги барча болага ўз фарзандимиздек муносабатда бўлиш, қалбини асраш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ор-номуси ва қадр-қимматини эъзозлаш — барчамизнинг инсонийлик бурчимиз.

Ҳар бир ўғил-қизнинг соғлом, хавфсиз ва бахтли муҳитда улғайиши, таълим олиши, қобилиятини эркин намоён этиши ҳамда келажакка ишонч билан қадам қўйиши жамият тараққиётининг муҳим шартидир. Шу боис, болаларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ва бошқа ҳар қандай зўравонлик кўринишларига мутлақо муросасиз муносабатда бўлишимиз зарур.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига болаларга зўравонлик, жумладан, жинсий зўравонлик, шунингдек, боланинг ўлимига сабаб бўлган жиноий қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш ҳамда вояга етмаганларга нисбатан янги мажбурлов чораларини белгилашни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жиноят-процессуал кодексига вояга етмаганлар учун қўшимча процессуал кафолатлар, зўравонлик билан боғлиқ ишлар бўйича васийлик ва ҳомийлик органлари вакилларининг иштироки, қонуний вакилларнинг иштирок этиши ва уларни алмаштириш, шунингдек, айрим процессуал ҳаракатларни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга болаларни тарбиялаш мажбуриятларини бажармаганлик, таълим-тарбия жараёнида зўравонлик содир этганлик, аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақида ахборот бермаганлик, болалар масалалари бўйича комиссиялар қарорларини ижро этмаганлик, шунингдек, болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик кучайтирилмоқда. Жиноят-ижроия кодексига вояга етмаганларга нисбатан жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш тартиби такомиллаштирилмоқда.



Бундан ташқари, бошқа қонун ҳужжатларига вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси механизмлари, тазйиқ ва зўравонлик масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш, болага нисбатан зўравонлик содир этган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асосини белгилаш, шунингдек, зўравонликдан жабрланган ёки зўравонликка гувоҳ бўлган болаларни давлат ҳисобидан юридик ёрдам билан таъминлашни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилмоқда.

Болаларни зўравонликнинг барча шаклидан ҳимоя қилиш тизимидаги халқаро тажриба асосан комплекс ҳуқуқий меъёрлар, хавфни барвақт аниқлаш механизмлари, идорааро тезкор ҳамкорлик ва жабрланганларни тизимли реабилитация қилишга таянади. Дунё миқёсида энг самарали деб тан олинган ёндашувлар бир нечта. Жумладан, INSPIRE халқаро ёндашуви (БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияси) болаларга нисбатан зўравонликка чек қўйишнинг 7 та асосий стратегиясини қамраб олади.

Исландияда ишлаб чиқилган ва Европада кенг тарқалган “Бола уйи” тизими. Зўравонликка учраган бола хавфсиз бинога олиб келинади. Психологлар, шифокорлар, полиция ва прокурорлар болани такроран сўроқ қилиб жароҳатламаслик учун бир жойда, махсус кўзгули хона орқали ҳамкорликда ишлайди.

АҚШ ва Буюк Британияда мажбурий хабар бериш тизими мавжуд. Шифокорлар, ўқитувчилар ва ижтимоий ходимлар болада зўравонлик аломати (кўкаришлар, руҳий ўзгаришлар)ни кўрса, дарҳол тегишли органларга хабар бериши шарт. Хабар бермаслик жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Ғарбий Европада зўравон оиладан ажратилган болаларни давлат муассасаларига (меҳрибонлик уйларига) жойлаштириш ўрнига махсус тайёргарликдан ўтган профессионал тутинган оилаларга вақтинча ижтимоий мослашув учун бериш тизими ривожланган.

Халқаро амалиётда ҳар бир давлатда болалар учун қисқа рақамли, 24/7 режимда ишловчи бепул ишонч телефонлари мавжуд бўлиб, улар ягона электрон маълумотлар тизимига интеграция қилинган. Бу орқали хавф остидаги болалар харитаси шакллантирилади ва ижтимоий хизматлар тезкор жавоб чораларини кўради.

Мазкур қонун мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган барча бола, миллати, дини, тили ва келиб чиқишидан қатъи назар, давлатнинг мустаҳкам ҳимоясида эканини ифодаловчи муҳим ҳуқуқий кафолатдир. Бу ҳар бир ўғил-қизнинг ҳуқуқлари қонун билан ҳимояланиши, хавфсизлиги ва шаъни эътиборда бўлиши, зўравонликка дуч келганларга зарур ёрдам кўрсатилиши учун янада мустаҳкам асос яратади.

Айниқса, болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишда нафақат давлат органлари, балки ота-оналар, таълим муассасалари, маҳалла ва кенг жамоатчиликнинг ҳам масъулияти катта. Барчамиз фарзандларимизнинг муаммоларига бефарқ бўлмаслигимиз, уларнинг мурожаатини тинглашимиз, ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслигимиз ва ҳимояга муҳтож бўлганда қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Нодирбек ҚОДИРОВ,
фалсафа фанлари доктори



Адабий дўстлик – абадий дўстлик



ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбек ва қозоқ халқлари тили, дини ва маданияти орқали бир-бирига чамбарчас боғланган. Аждодларимиз минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб, ҳаётнинг қувонч ва ташвишларини, яхши-ёмон кунларни биргаликда бошдан кечириб, тақдирдош бўлиб келган. Бу қардошлик кейинги йилларда, айниқса, мустаҳкамланиб, янгича мазмун ва руҳ билан бойиб бормоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг сиёсий иродаси ва амалий ҳаракатлари ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Хусусан, ижодкор зиёлиларимизнинг яқин ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Ўзаро адабиёт ва маданият кунлари ўтказилиши эзгу анъанага айланди. Юртимизда нашр этилган 100 жилдли “Туркий адабиёт дурдоналари” тўпламининг 10 жилди қозоғистонлик муаллифлар ижодига бағишланган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг “Туркий олам адабиёти” лойиҳаси доирасида қардош жумҳуриятларнинг ўнлаб адиблари қаторида Тоғай Мурод, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдошев каби ёзувчиларимиз, истеъдодли шоирларимизнинг асарлари қозоқ тилида нашр этилмоқда.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Туркий маданият ва мерос фонди, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмалари ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида ташкил этилган “Туркий дунёнинг маънавий мероси: адабиёт — даврлар ва авлодлар мулоқоти” халқаро форуми бу борада муҳим аҳамият касб этди. Анжуман давомида ижодий суҳбатлар, мушоира ва маҳорат сабоқлари, тақдимотлар ўтказилди, истиқболдаги режалар муҳокама қилинди. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 34-умумтаълим мактабига таниқли қозоқ ёзувчиси Раҳматулла Райимқулов номи берилиб, қизиқарли ва сермазмун учрашувлар бўлиб ўтди.

Бу каби маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Мереке Кулкеновнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Оқсоқол адиб эллик йилдан зиёд ижодий ва ижтимоий фаолиятини умумтуркий дўстлик ва қардошликни, минтақамиз адабий муҳитини равнақ топтиришга бағишлаб келмоқда.

Атоқли ижодкор ва жамоат арбоби шу кунларда табаррук 75 ёшга тўлди. Ўзбекистон Президенти фармонига биноан, яхши қўшничилик, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш борасидаги ибратли фаолияти, мамлакатларимиз халқларининг кўп асрлик дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун Мереке Кулкенов Ўзбекистон Республикасининг “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

Шу муносабат билан мамлакатимизнинг Олмаота шаҳридаги Бош консулхонасида бўлиб ўтган тантанали маросимда Ўзбекистон Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов Мереке Кулкеновга давлатимизнинг юксак мукофотини топширди ва Президентимиз табригини анжуман иштирокчиларига ўқиб эшиттирди.

Мереке Кулкенов юксак эътибор учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга ўз



номидан ва Қозоғистон ижодий жамоатчилиги номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

Президентимизнинг 2026 йил 5 февралдаги “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорида мамлакатимизда ва чет элларда бу борада илмий-маърифий тадбирлар ўтказиш вазифаси белгиланган. Ҳозирга қадар АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания, Эстония каби давлатларда мавзуга оид илмий конференциялар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойишлари бўлиб ўтди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг шонли санаси муносабати билан Олмаота шаҳридаги “Олатов” кинотеатрида ўзбек киноижодкорлари томонидан суратга олинган “Улуғ амир ва донна Мария” фильми томошабинларга тақдим этилди. Унда қозоғистонлик давлат ва жамоат арбоблари, тарихчи олимлар, адабиёт, маданият ва санъат намояндалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, шунингдек, сценарий муаллифи Хайриддин Султон ҳамда картина бадиий раҳбари, кинорежиссёр Жаҳонгир Қосимов иштирок этди.

Кенг кўламли тарихий ва замонавий жараёнларни қамраб олган, таниқли ўзбек ва хориж актёрлари суратга тушган мазкур фильм томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Қозоқ диёрида бўлиб ўтган учрашув ва мулоқотлар муштарак ўтмиш ва келажак билан боғланган халқларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорлик мустаҳкамланиб бораётганини яна бир бор намоён этди.

Ориф ОДИЛОВ



ИЛМ ВА ТЕХНОЛОГИЯ ЯРАТИЛАДИГАН ТИЛ

Тил бугун фақат мулоқот воситаси ёки сўзлар йиғиндиси эмас. У энди миллат тафаккури таъминоти, давлат суверенитети қўрғони ва халқ руҳияти кўзгуси ҳам. Ўрхун-Энасой битиктошларидан тортиб, Кошғарий луғати, Навоийнинг бадиий даҳоси ва ўтган аср бошида яшаган жадид боболаримиз Беҳбудий, Фитратларнинг жонкуярликларига қадар тарихий йўлга бир назар ташлайлик. Айни тарихий жараённинг туб моҳиятини англаш учун, аввало, ўзбек тилининг халқаро майдондаги мавқеи ва нуфузи қанчалик шиддат билан юксалиб бораётганига эътибор қаратиш муддао.

Нозлия НОРМУРОДОВА,
филология фанлари доктори, профессор

Яқин ўтмишда фақат минтақа доирасида қўлланилган она тилимиз бугун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбарларида, йирик саммитларда, халқаро дипломатик учрашувларда ва дунёнинг энг етакчи илм-фан марказларида янграяпти.

Она тилимиз жаҳон бўйлаб шундай қулоч ёзаётган, дунё ўзбек сўзига эҳтиром билан қараётган тарихий шароитда халқаро андозаларга мос, техник ва график жиҳатдан мукаммал алифбога эга бўлиш кечиктириб бўлмас ҳаётий заруратга айланганди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллик байрамида сўзлаган тарихий нутқида ҳар бир зиёли, олим ва ватанпарвар инсоннинг қалбига чуқур ўрнашган теран бир орзуни таъкидлади: “Ўзбек тили рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим”. Мамлакатимиз етакчисининг бу эзгу нияти замирида XXI асрда миллатлар тақдирини ҳал қилувчи асосий ҳақиқат ётибди. Бундан бу ёғига фақат кучли илм-фан ва сунъий интеллект алгоритмлари яратиладиган тилларгина яшовчанлик касб этади.

Алифбомиз ислоҳотида масаланинг технологик илдизларига назар ташласак, шу пайтгача кўпчилик эътиборидан четда қолган жиддий бир муаммо кўринади. Бугунги дунёда ахборот оқими, давлат имижи ва мафкуравий тарғибот, асосан, глобал ижтимоий тармоқлар ҳамда интернет платформалари орқали бошқарилади. Амалдаги алифбомизда эса “o‘” ва “g‘” ҳарфларини ифодалаш учун қўлланилган апостроф халқаро дастурлаш тилларида ва веб-архитектурада ҳарф сифатида тан олинмайди. Дастурий тизимлар уни сўзни якунловчи тиниш белгиси ёки кодни ажратувчи махсус символ сифатида ўқийди. Оқибатда ижтимоий тармоқларида #O‘zbekiston, #G‘alaba ёки #O‘zbegim каби хештегларни ёзганимизда, глобал алгоритмлар апострофга етган заҳоти сўзни қирқиб ташлайди: қидирув тизимида #O ёки #G ҳарфининг ўзи қолиб кетади. XXI аср ахборот майдонида ўз Ватанинг номини яхлит хештег сифатида ёзолмаслик миллий контент ривожи йўлида кўринмасдек, аммо ўйлантирадиган тўсиқлардан бири бўлиб келаётган эди. Икки белгили бирикмалар ва апострофли ҳарфларнинг яхлитга айланиши глобал тармоқлардаги ана шу “узилган хештег” муаммосига нуқта қўяди. Энди ўзбек тилидаги ҳар бир хештег интернет доменларида, гиперҳавола ва дастурлаш кодларида бўлинмасдан ишлайди. Бу ҳам ўзига хос бир ютуқ.

Рақамли дунёнинг яна бир жабҳаси сунъий интеллект тизимлари ва катта тил моделларидир. Ҳозир дунёнинг энг қудратли давлатлари ўз миллий тилларини нейрон тармоқларга сингдириш, шу орқали иқтисодиёт ва бошқарувни автоматлаштириш учун миллиардлаб доллар сармоя киритяпти. Замонавий сунъий интеллект моделлари ва автоматик таржимонлар инсон каби ҳиссиёт билан эмас, математик “токенлар” — сўз бўлаклари орқали фикрлайди. Тутуқ белгиси қатнашган ўзбекча сўзлар нейрон тармоққа киритилганда, алгоритм уларни бутун лексик бирлик сифатида тушунмайди. Аксинча, у апостроф турган жойдан сўзни икки-уч бўлакка бўлиб ўқийди. Бундай сунъий бўлиниш оқибатида компьютер сўзнинг ўзагини, грамматик қўшимчани ва контекстдаги маънони аниқлашда тез-тез адашади, ўзбек тилидаги матнни қайта ишлаш учун хорижий тилларга қараганда икки баробар кўп қувват ва хотира сарфланади. Яхлит белгили ҳарфларга ўтилиши ўзбек тилини сунъий интеллект алгоритмлари учун “тоза”, мантиқан тартибли тилга айлантиради. Натижада мамлакатимизда миллий сунъий интеллект лойиҳаларини яратиш ва ўқитиш харажатлари арзонлашади, машина таржимаси, овозли ёрдамчилар ва матнни таҳлил қилувчи интеллектуал тизимларнинг она тилимизни тушуниш аниқлиги илғор тиллар даражасига кўтарилади. Бу ҳам “рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил” мақомига



эришишнинг энг фундаментал шарти ўлароқ рўёбга чиқади.

Технологик уйғунлик масаласи фақат интернет ёки сунъий интеллект билан чекланиб қолмайди. У давлат бошқарув механизмлари — “Электрон ҳукумат” тизими самарадорлигига ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Ўтган 30 йил мобайнида компьютер ва мобил қурилмалар клавиатураларида “o‘” ҳамда “g‘” ҳарфларининг ягона стандарти бўлмагани сабаб фуқаролар ва ҳатто давлат идоралари ходимлари бу ҳарфларни теришда беш-олти хил белгидан — оддий тирноқча, тескари тирноқча, очилувчи ва ёпилувчи қўштирноқ бўлакларидан фойдаланиб келди. Сиртдан арзимас туюлган бу техник хилма-хиллик давлат ахборот тизимларида “апостроф хаоси”ни келтириб чиқарди. Масалан, кадастр, банк, солиқ, адлия ва ички ишлар базаларида битта фуқаронинг исм-шарифи ёки битта маҳалла номи турлича кодланган тирноқчалар билан киритилиши оқибатида маълумотлар базаси баъзан уларни бошқа-бошқа объектлар деб қабул қила бошлади. Қидирув тизимларида юзага келган бундай чалкашликлар идоралараро электрон ахборот алмашинувини секинлаштириб, одамлар учун ортиқча оворагарчиликларни туғдириб келаётган эди. Ягона клавишли диакритик ҳарфларга ўтилиши эса барча маълумотлар базаларини тўлиқ ягона стандартга келтиради, инсон омили туфайли юзага келадиган имловий хатоликларни бартараф қилади.

Алифбо ислоҳотининг кўпчилик хаёлига ҳам келтирмаган, аммо давлат бюджети ва экологиямизга наф берадиган яна бир қирраси матбаа ва ноширлик саноати билан боғлиқ. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, матнда “sh”, “ch”, “o‘”, “g‘” каби икки белгили ҳарфларнинг битта ихчам белгига қисқариши ҳар қандай ўзбекча матннинг умумий ҳажмини ўртача 8 фоиздан 10 фоизгача камайтиради. Оддий рақамдек кўринган бу кўрсаткични қарийб 40 миллион аҳолига эга бўлган мамлакат миқёсига кўпайтириб кўрайлик. Ўзбекистонда ҳар йили миллионлаб нусхада дарслик, ўқув қўлланмалари, юзлаб номдаги газета-журнал ва бадиий адабиётлар нашр қилинади. Бундан ташқари, давлат идоралари миллионлаб саҳифали расмий ҳужжатлар ва материаллар чоп этади. Ҳар ўн саҳифали китоб ёки ҳужжатнинг ҳеч қандай маъно йўқотишисиз тўққиз саҳифага жойлашиши мамлакат миқёсида ҳар йили юзлаб тонна қоғоз, бўёқ, электр энергияси, транспорт-логистика харажатлари ва босмахона ускуналарининг амортизация ресурслари тежалишини англатади. Бу ҳам мамлакатимизда юритилаётган “яшил иқтисодиёт” сиёсатига қўшилган бир ҳисса эмасми? Тарихда камдан кам ислоҳотлар маънавий-маърифий юксалиш билан бир қаторда ана шундай экологик ва макроиқтисодий тежамкорликни бера олган.

Масаланинг инсон капитали, хусусан, ёш авлоднинг интеллектуал ривожланиши билан боғлиқ педагогик жиҳати кишини янада чуқурроқ ўйга толдиради. Замонавий когнитив психология ва нейрофизиология фанлари “бир товуш — бир ҳарф” тамойили инсон мияси учун энг табиий тизим эканини аллақачон исботлаган. Амалдаги алифбода эса илк бор мактабга қадам қўйган 6-7 ёшли ўқувчи савод чиқариш жараёнидаёқ мантиқий зиддиятга дуч келар эди. Бола аввал “s” ва “h” ҳарфини алоҳида товуш сифатида ёдлайди, кейин эса нега шу икки ҳарф ёнма-ён келганда ўз овозини бутунлай йўқотиб, умуман бошқа — “sh” товушини беришини тушунишга қийналади. “Ch” ҳарфида ҳам, “sh” ва “s’h” (масалан, “ashob”, “ishoq” сўзларида) ўртасидаги чалкашликларда ҳам бола мияси ортиқча юклама олади. Ҳар бир товушнинг ўз мустақил ва ягона график тимсолга эга бўлиши бошланғич синф ўқувчиларининг савод чиқариш жараёнини муайян даражада тезлаштириб, болада ўқиш ва ёзишга бўлган ишончни мустаҳкамлайди.

Тадқиқотларга кўра, саводхон инсон матнни ўқиётганида кўз қорачиғи ҳарфларни битталаб териб чиқмайди, қатор бўйлаб қисқа сакрашлар — саккадалар орқали сўзларнинг яхлит график қиёфасини суратга олади. Инсон кўзининг энг ўткир кўриш нуқтаси бўлган фовеал майдон бир қарашда муайян миқдордаги белгилар мажмуасинигина қамраб олади. Қўш ҳарфларнинг битта белгига қисқариши натижасида ўзбек тилидаги сўзлар горизонтал йўналишда 10-15 фоиз ихчамлашади. Натижада ўқувчининг кўзи бир марта нигоҳ ташлаганда аввалгидан кўра кўпроқ сўзни илғайди, кўз мушаклари чарчаши камаяди ва миянинг матнни қайта ишлаш тезлиги 10-15 фоиз ошади. Бу илмий фактни бутун жамият миқёсида тасаввур қилиб кўрайлик. Мактаб ўқувчисидан тортиб, олимларгача, давлат хизматчиларидан тортиб, тадбиркорларгача — ҳар бир кишининг китоб ўқиш, ҳужжат билан танишиш ва янги ахборотни ўзлаштириш суръати 15 фоиз тезлашиши жамиятнинг умумий иш коэффициентини ҳам баҳоли қудрат ўстиради.

Такомиллашувнинг яна бир муҳим жиҳати мамлакатимизнинг халқаро картография, туризм, авиация ва глобал савдо-иқтисодий муносабатлардаги визуал имижи — миллий брендинг эстетикаси билан боғлиқ. Бугун Ўзбекистон дунё сайёҳлари ва хорижий инвесторлар учун жозибадор масканлардан бирига айланди, миллий маҳсулотларимиз ўнлаб давлатлар бозорига кириб бормоқда. Бироқ шу пайтгача электрон хариталарда, парвозлар таблосида, маҳсулотлар ёрлиқларида, халқаро ўтказмалар ва бронлаш тизимларида тутуқ белгилари дастурий номувофиқлик туфайли ё тушиб қолар, ёки кодлаш хатолиги оқибатида Farg'ona, Qo'qon, G'ijduvon каби тушунарсиз белгилар йиғиндисига айланиб кетарди. Бундай техник нуқсонлар нафақат хорижлик меҳмонларни чалғитар, кўҳна шаҳарларимиз ва миллий брендларимизнинг ташқи қиёфасига ҳам таъсир қиларди. Жаҳон стандартларига мос келувчи диакритик ҳарфлар жорий этилиши Ўзбекистоннинг географик жой номлари, тарихий обидалари ва экспорт ёрлиқларининг дунёдаги ҳар қандай экран ва босма нашрда бехато акс этишини таъминлайди.

Масаланинг тарихий ва маънавий уйғунлик жиҳати ҳам бор. Такомиллаштирилган алифбо бизни қардош туркий халқларнинг ёзув маданияти ва ахборот макони билан янада яқинлаштириб, ўзаро илмий, адабий ва иқтисодий интеграцияни янги босқичга олиб чиқади. Шу билан бирга, янгиланган ҳарфлар тизими ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган фонетик табиатини, талаффуз қонуниятларини ва ички мусиқасини тўкис ифодалаб беради. Мукаммал алифбо тилимизнинг дунё миқёсида ўрганилишини осонлаштиради, ўзбек тили дарсликларининг хорижий университетлар дастурларига интеграциялашувини тезлаштиради.

Бу тарихий қадам Президентимизнинг ўзбек тилини рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган қудратли тилга айлантириш борасидаги узоқни кўзлаган стратегик сиёсатига пойдеворлардан бири бўлади. Зеро, ҳарфи мукаммал, халқаро нуфузи баланд тилгина Учинчи Ренессанс бунёдкорларининг тафаккур қанотига айланиб, ўзбек илм-фани ва давлатчилигини жаҳоннинг юксак чўққиларига олиб чиқишга қодирдир.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 00:20 Топширилди — 00:40